

# تاریخ



9-сон Шаъбон

Ойлик ижтимоий-маърифий электрон журнал



Бухоро амири хазинасида у тахтдан кетиши олдидан қуйидаги бойликлар бўлган:  
1 миллион 148 минг 380 дона Бухоро тилласи,  
4 миллион 365 минг дона рус тилласи,  
17 тонна 728 кило ёмби ҳолатидаги Гамбург тилласи,  
45 тонна 494 кило Гамбург ёмби кумуши,  
22 тоннадан зиёд рус кумуш тангалари  
ва жами 34 номдаги бошқа қимматбаҳо  
буюмлар рўйхатга олинган. Уларнинг  
умумий қиймати 73 миллион 252 минг  
сўмдан ошган. Бунга амир ва унинг  
оиласига тегишли 3 миллион 300 минг  
сўмликдан ортиқ қимматбаҳо тақинчоқлар  
ва инжу-марваридлар кирмаган  
(Бу пулларнинг қанчалигини билиш учун  
солиштириб кўринг: ўша пайтда бир пуд  
(16 кило) ун – 95 тийин, бир пуд писта –  
35 тийин, шунча бодом – 70 тийин,  
бир бош семиз қўй 2 сўм бўлган).  
Ана шунча бойликнинг тақдири  
ҳанузгача маълум эмас.

«Бухоро амирининг олтинлари»



# Хилол



[www.islom.uz](http://www.islom.uz)

Ражаб.... Шаъбон... РАМАЗОН

Таҳрир ҳайъати:

Шайх Муҳаммад Содик  
Муҳаммад Юсуф (раис)

Тоҳир Малик.

Эркин Малик.

Абдуҳамид Турсун.

Муҳаммад Айюб Усмон.

Муҳаммад Зуфар.

Озод Мунаввар.

Исмоил Муҳаммад Содик

Анвар Аҳмад

“Хилол” ойлик электрон журнали. 4-сон.  
Муассис: “Хилол” нашрети МЧЖ (Москва)

Бош муҳаррир: Аҳмад Муҳаммад

Бош директор: Абу Муслим

Мусаввир: Бехзод Вафоев




Ўн икки ойнинг султони -  
Сор бўлиб кел, Рамазон,  
Расулulloҳ умматига  
ёр бўлиб кел, Рамазон!

Жоним тўшай йўлларингга  
зор бўлиб, кел, Рамазон,  
Хаста руҳим даво излар -  
кор бўлиб кел, Рамазон!

«Ла илаҳа илalloҳ» ни  
ёр қилиб кел, Рамазон,  
Томирларда қон бўлиб оқ,  
жон бўлиб кел, Рамазон!

# МАҚТОВГА ҚАЛАЙСИЗ?



Дунёда мақтовни ёқтирмаган, ҳеч йўқ хушомадли сўзларга эътироз билдирадиган одам топилмаса керак. Ақлини энди таниган ёш болалардан тортиб ҳаётда ҳамма нарсани кўрган қариягача ўз шаънига айтилган мақтовдан яйрайди.

Мақтов нима ўзи? Мақтов кимсаларнинг қилган ишлари ёки феълларини тил билан бошқаларга билдиришдир. Аслида барча мақтов Аллоҳ таолога хосдир ва Унинг Пайғамбарига (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) муносибдир. Шунинг учун доимо Аллоҳга ҳамд-санолар айтамыз. Шу боис, саҳобалардан Аббос, Ҳассон, Каъб ва бошқалар Расулulloҳни мақтаб шеърлар ёзишган.

Мақтовга лойиқ кишиларни мақташ жамиятда фазилат ва комиллик ортишига сабаб бўлгани учун шаритимиз бундан қайтармайди. Шунинг учун муболаға ва ёлғон сўзлардан сақланган ҳолда кишида бор бўлган сифатлар билангина мақташ жоиз. Лекин мақтовга лойиқ бўлмаган кимсаларни, кишининг мансаби, бойлиги ё обрў-шуҳрати учун мақташ ҳақиқат ва ахлоққа зид бўлгани учун ёмон иш саналади.

Кишини юзига мақташнинг фойдаси ҳам, хатари ҳам бор: агар мақталаётган киши комил иймонли, ишончли, риёзатли, маърифатли бўлса ва мақтовдан фитналанмаса ёки ғурурга кетмаса, мақтов ҳаром ҳам, макруҳ ҳам бўлмайди. Аксинча бўлса, кишини юзига мақташ қаттиқ макруҳ бўлади.

Абу Мусо Ашъарийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинган ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир кишини кўкларга кўтариб мақташаётганини эшитиб: "Уни ҳалок қилдинглар-ку!" (ёки белини синдирдинглар), деганлар (Имом Бухорий ва Муслим ривояти).

Мақтовчи (маддоҳ) бирор мансаб ёки манфаат илнжида одамларни юзига мақтовчи, асли йўқ, ҳақиқатга зид ва ботил нарсаларни тарғиб қилувчидир. Ҳадисда келишича, бир киши Усмонни (розияллоҳу анҳу) мақтаганида саҳоба Миқдод ибн Асвад (розияллоҳу анҳу) унинг юзига тупроқ сочиб юборган. Усмон: "Бу нима қилганингиз?" деб сўраганида, Миқдод бундай деган: "Расули акрам "Агар маддоҳларни (мақтовчиларни) кўрсангиз, юзига тупроқ сочинглар", деганларини эшитганман" (Имом Муслим ривояти). Айрим уламолар "юзга тупроқ сочиш"ни "маддоҳнинг овозини ўчириш" деб шарҳлашган.

Суннатга кўра, агар бир кишини мақташга тўғри келиб қолса, "у шундай фазилатларга эга бўлса керак,

деб ўйлайман, агар у шу сифатларга эга бўлса, "унинг кифоячиси Аллоҳдир, Аллоҳ олдида бирор киши айбсиз эмас" дейиш керак.

Одамлар даражаларига қараб мақтовни турлича қабул қилишади. Авом кишилар мақтовдан яйраб, хурсанд бўлишади, маддоҳ айтаётган фазилатлар ўзларида мавжудлигидан фахрланиб, кибрланишади, мақтовчини ўзларига дўст тутишади. Обидлар мақтовни эшитиб, ундан иложи борича қочишади, у эгаллаб қолмаслиги учун қалбларини ихоталаб олишади. Орифлар эса бундай ҳолларда "агар Аллоҳ айбларимни беркитмаганида одамлар фақат фазилатларимни кўриб, мени мақташмасди, демак, бу мақтовлар Аллоҳга тегишлидир" деб фикрлайди ва барча мақтовларни Парвардигорига ҳавола этади.

Абулқосим аз-Замахшарий: "Ўзи сазовор бўлмаган ҳамду сано ва мақтовларни талаб қилиш уятсиз, телба одамларнинг одатларидандир", деган. Қайюм Носирий айтибди: "Биров сени ўзингда йўқ сифатлар билан мадҳ этса, ундай одамга ишонма. Чунки у сенда йўқ ёмон сифатлар билан бошқа ерда сени ёмонлашга қодир".

Фосиқ ва бидъатчини мақташ, мадҳда ҳақиқатни айтмай риё ва ёлғон қўшиш, мақталган киши бундан кибр ё ғурурга кетиши, мақтов орқали бирор манфаатни кўзлаш динимизда қоралангандир. Агар мақтов бу хусусиятлардан холи бўлса, мақташ ҳам, мақтовга рози бўлиш ҳам мумкин.

Мақтовнинг акси зам (ёмонлаш), яъни бир кишига нисбатан ёмон сўзлар гапириш, ҳолатини фош этишдир. Ҳар қандай инсонни ноҳақ ёмонлаш ҳаромдир.

Сўзимизни донишмандлардан бири Қаюм Носирийнинг мана бу сўзлари билан хотималаймиз: "Биров сени ўзингда йўқ сифатлар билан мақтаса, бундай одамга ишонма. Чунки у сенда йўқ ёмон сифатлар билан бошқа ерда сени ёмонлашга ҳам қодир".



«Эй иймон келтирганлар! Албатта, ҳибр ва роҳибларнинг кўплари одамларнинг молларини ботил йўл билан ерлар ва Аллоҳнинг йўлидан тўсарлар. Олтин ва кумушни хазинага босадиган, Аллоҳнинг йўлида сарфламайдиганларга аламли азобнинг башоратини беравер. Бир куни ўша (олтин-кумуш)лар жаҳаннам ўтида қизитилур ва пешоналари, ёнбошлари ҳамда орқаларига босилиб: «Мана бу ўзингиз учун тўплаган нарсангиз, бас, энди тўплаб юрган нарсангизни татиб кўринг!» дейилур» (Тавба сураси, 34-35-оятлар).



Бу оятдаги олтин ва кумуш, яъни, молу дунё тўплаш ҳақидаги маънолар кўпчиликни чўчитиб қўйган. Ҳатто саҳобаи киромлар ўртасида ҳам турли саволлар туғилган. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларга ва умматга тушунтириш берганлар.

Имом Абу Довуд Ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтади: «Олтин ва кумушни хазина қилиб тўплайдиганлар» ояти нозил бўлганда мусулмонларга оғир келди. «Биздан бирор киши ҳам ўзидан кейинги фарзандига молу мулк қолдирмас экан-да», дейишди. Шунда, Умар розияллоҳу анҳу: «Мен сизларни бу кўнгилсизликлардан чиқараман», дедилар-да, юриб кетдилар. У киши Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Эй, Аллоҳнинг Расули! Саҳобаларингизга бу оят катта нарса бўлиб кўринди-ку», дедилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ закотни беҳудага эмас, балки молларингизни поклаш учун фарз қилган. Меросни эса, фақат орқангиздан қоладиган мол учун фарз қилган», дедилар. Шунда Умар розияллоҳу анҳу: «Аллоҳу акбар», дея тақбир айтиб юбордилар. Сўнгра Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишига: «Сенга эр киши учун энг яхши бойлик нималигини айтгайми? Аҳли солих хотинки, унга назар солса, хурсанд қилади, бир иш буюрса, итоат этади, эри йўқлигида эса, (молини) муҳофаза қилади», дедилар.

Шу ва шунга ўхшаш ҳадисларга суянган ҳолда оятдаги аламли азобга сабабчи «хазина» закоти берилмаган молу дунё, деган хулосага келинади. Дарҳақиқат, закотни бермай мол тўплаганлар аламли азобга дучор бўладилар.

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِنَّ كَثِيرًا مِّنَ الْأَجْبَارِ وَالرُّهْبَانِ لِيَآكُلُونَ أَمْوَالَ النَّاسِ بِالْبَطْلِ وَيَصُدُّونَ عَن سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ يَكْتُمُونَ الذَّهَبَ وَالْفِضَّةَ وَلَا يَتَّبِعُونَهَا فِي سَبِيلِ اللَّهِ فَبَشِّرْهُم بِعَذَابٍ أَلِيمٍ ﴿٣٤﴾  
يَوْمَ يُحْمَىٰ عَلَيْهَا فِي نَارِ جَهَنَّمَ فُتُكْوَىٰ بِهَا جِبَاهُهُمْ وَجُنُوبُهُمْ وَظُهُورُهُمْ هَذَا مَا كَنْزْتُمْ لِأَنفُسِكُمْ فَذُوقُوا مَا كُنْتُمْ تَكْتُمُونَ ﴿٣٥﴾

# ЗАКОТИ БЕРИЛМАГАН МОЛНИНГ ЗАРАРИ

Имом Муслим Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Закотни адо қилмаган ҳар бир одамга қиёмат куни ўтдан тамға қилиниб ёнбошига, пешонасига ва орқасига босилади. У куннинг миқдори эллик минг йилга тенг бўлади, то одамлар орасида ҳукм чиқариб бўлгунча, тамға босилаверади. Сўнгра ё жаннатга, ё дўзахга йўли кўрсатилади», деганлар.

Бошқа бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким ўзидан кейин бойлик қолдирса, қиёмат куни унга икки қора нуқтаси бор, кўзойнакли илон бўлиб кўринади. Унинг орқасидан қувлаб юради. Ундан: «Сен нимасан ўзи?» деб сўраса: «Мен ўзингдан кейин қолдириб кетган бойлигингман», дейди. Сўнгра яна орқасидан қувиб боради. У қўлини тутди. Илон қўлини тишлаб ютади ва жасаднинг қолганини ҳам юта бошлайди», деганлар.

Тавба сурасининг ўттизинчи оятдан бошлаб аҳли китоблар, яҳудий ва насоролар билан Ислому давлатининг муносабати ҳақидаги ниҳойи ҳукмлар баён қилинади. Маълумки, Маккаи мукаррамада аҳли китоблар кўп эмас эди. Варақа ибн Навфалга ўхшаш баъзи бир шахслар турли сабабларга кўра аҳли китоблар билан алоқанда бўлиб, уларнинг динини қабул қилган бўлиши мумкин. Улар Ислому ва мусулмонларга яхши муносабатда бўлишган. Айримлари Ислому кирган ҳам. Кейинчалик Мадинаи мунавварада ҳам баъзи яҳудийлар Ислому кирдилар. Қуръони каримда бунга ўхшаш аҳли китобларни мадҳ этувчи ояти карималар бор.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг

ҳижратларидан кейин аҳли китоблар билан алоқалар кучайди. Бунга, аввало, Мадинаи мунавварада яшаб турган яҳудийлар сабабчи бўлишди. Улардан Абдуллоҳ ибн Салом розияллоху анҳуга ўхшаш Аллоҳ ҳидоят берганлари Исломни қабул этиб, ажрларини икки ҳисса олиш бахтига муяссар бўлишди. Лекин асосий гуруҳ биринчи кунданок Исломга ашаддий душманлик қила бошлади. Улар мусулмонлар ўртасида фитна чиқаришга уринишдан ҳеч ҳам тўхтамади. Ислом дини, Қуръони карим ва Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам ҳақида турли ифво-бўхтонлар тарқатишда бир лаҳза ҳам сустлашишмади. Биринчи кундан бошлаб Қуръони карим оятлари уларнинг хатоларини очик айтиб, ўзларини ўнглашга чақирса ҳам кўнишмади. Мунофиқликни ҳам худди шу яҳудийлар келтириб чиқарди. Мунофиқларнинг бошлиғи Абдуллоҳ ибн Убай ибн Салул исмли яҳудий экани ҳаммага маълум. Яҳудийлар қибла Байтул-Мақдисдан Маккага – Каъба тарафга ўзгарганда ҳам улар катта ифвогарлик сафарбарлигини ўтказди. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг севимли аёллари Оиша онамизни зинода айблаб, ёлғондан ифво тарқатганлар ҳам ўшалар. Мушрикларни тўглаб мусулмонларга қарши урушга гиж-гижлаганлар ҳам ўшалар. Охири бориб, Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бошлиқ мусулмонлар улар билан сулҳ тузишди. Тинчлик-омонликда бир-бирини ҳурмат қилиб яшашга келишилди. Аммо яҳудийлар бу сулҳга ҳам хиёнат қилишди. Оқибатда, Бани Қайнуқоъ, Бани Назир ва Бани Қурайза номли яҳудий қабилалари билан урушишга мажбур бўлинди. Яҳудийлар Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламни ўлдириш учун суиқасд ҳам уюштиришди. Фақат Аллоҳнинг иноятигина у зотни бундан сақлаб қолди. Улардан бир кампир Расулulloх соллаллоху алайҳи васалламга захарланган қўй гўшти берди. Хайбарда яҳудийлар билан мусулмонлар ўртасида катта жанг бўлди. Аммо, яҳудийларнинг Исломга, мусулмонларга қарши душманлигининг чегараси кўринмас эди.

Аҳли китобларнинг яна бир тоифаси бўлмиш насороларга келади деган бўлса, биринчи даврларда улар билан яхши алоқалар бўлган. Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам саҳобаларидан заифҳолларига насроний подшоҳ Нажоший юрти Ҳабашистонга боришни, у ерда зулм кўрмасликларини айтганлар. Қуръони каримда насоролар бошқаларга қараганда мусулмонларга яқинроқ эканларини тасдиқловчи оятлар бор. Айни чоғда, худди яҳудийлар каби, насороларга ҳам уларнинг кофир эканларини эслатадиган, хатоларини ўзларига баён қиладиган оятлар ҳам мавжуд. Маккаи муқаррамага ҳам, Мадинаи мунавварага ҳам баъзи насроний гуруҳлар келиб, Қуръони карим тинглашгани, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламга турли саволлар беришгани, кўнгли таскин топганлари Исломни қабул қилганлари маълум ва машҳур. Баъзилари одоб доирасида тортишув ҳам олиб борган. Форс давлати билан насроний Рум давлати урушиб енгилганида, мусулмонлар аҳли китобдан бўлмиш румликлар мағлубиятидан қаттиқ хафа бўлишган. Қуръони каримда Рум сураси нозил бўлиб, унда тезда румликлар форслар устидан ғалаба қозониши хабари берилган эди.

Лекин Арабистон ярим оролида Ислом давлати пайдо бўлганини эшитган румликлар ўзларининг форслар билан давом этиб келаётган душманликларини унутишди. Улар зудлик билан мусулмонларга қарши аскар тўплаш бошлашди. Улар Расулulloх соллаллоху алайҳи васаллам-

нинг Басрадаги рум ҳоқимига юборган элчилари Ҳорис ибн Умайр ал-Аздийни ўлдирдилар. Одатда, элчига ўлим йўқ эди. Аммо насоролар ҳамма амал этадиган қоидага юрмай, мусулмонлар элчисини ўлдирдилар. Бу ишни улар уруш чиқариш учун қилишган эди. Элчини ўлдириб қўйиб, яна аскар тўплашни давом эттиришди. Румликларнинг ўзлари юз минг аскар йиғдилар. Уларнинг Шомдаги иттифоқдошлари ва насроний араб қабилалари ҳам юз минг аскар тўглади. Шу икки юз минг аскар билан мусулмонларни йўқ қилиб ташлаш қасдида эдилар. Саккизинчи ҳижрий сананинг жумадул-ула ойида улар мусулмонларнинг Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам томонларидан юборилган уч мингга яқин аскар билан Мута урушида тўқнашдилар.

Сўнгра Табук жанги бўлди. У жанг тўғрисида ушбу Тавба сурасида батафсил баён қилинади. Кўриниб турибдики, насоролар Ислом ва мусулмонлар учун жиддий хавфга айланган эдилар. Шунинг учун, уларга нисбатан ушбу суранинг кўпгина оятларида чиқарилган ҳукмлар ҳеч ажабланарли эмас.

Бу ҳукмларнинг нақадар адолатли эканини тарих ҳам тасдиқлади. Қуръони каримнинг: «Токи уларнинг миллатларига эргашмагунингча яҳудий ва насоролар сендан зинҳор рози бўлмайдилар», деган ояти бежиз эмас эди. Ҳозирги лаҳзагача Исломга ва мусулмонларга нима ёмонлик етган бўлса, ҳаммасида яҳудийларнинг қўли бор. Буни янада яхшироқ билишни истаганлар тарих китобларига мурожаат қилсалар, яхши бўлади. Насороларнинг ҳам Исломга, мусулмонларга қарши олиб борган душманликлари фақатгина машҳур салб урушларидан иборат эмаслигини кўпчилик яхши билади. Шу маънода тарихга бир назар солинса, ушбу оятларни Аллоҳ нима учун нозил этганининг ҳикмати яхшироқ тушуниб олинади.

Аллоҳ таоло биз ўрганаётган сура оятларида мусулмонлар жамоасининг аҳли китобларга – яҳудий ва насороларга муомаласи қандай бўлишини белгилаб бермоқда. Мусулмон давлатида яшаётган иймонли мусулмон кишилар Аллоҳнинг ер юзидаги халифалари ҳисобланади. Улар ер юзида адолат ўрнатиш, зулмни кўтариш, ҳамма ёқда ҳуррият ҳукм суришида масъулдирлар. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг саҳобаи киромлари шу масъулиятни тўлиқ тушунганлар ва шунинг тақозоси билан ҳаракат қилганлар.

Душманлар мусулмонларнинг жиҳодини босқинчилик ҳаракати, бошқа юртларни босиб олиш, бойликларини ўзлаштириш, халқларни қул қилиш, дея баҳолайдилар. Улкамизнинг ҳақиқий босқинчилари бўлмиш кофирлар бу ҳаракатни «араб истилоси» деб номлашган. Уларнинг айтишича, араблар бостириб келиб ҳаммаёқни ўзлариники қилиб олган эмиш. Кишиларни мажбуран Исломга киритган эмиш. Исломни қабул қилмаганларни ўлдирган ёки катта солиқ солган эмиш.

Исломий фатҳларни «араб истилоси» дейиш нотўғри эканини душманларнинг ўзлари ҳам билади, аммо Исломга қарши нимадир ўйлаб чиқариш керак бўлган. Натижада, шу ибора ўйлаб топилган. Чунки фотиҳ мужоҳидлар ичида араб бўлмаганлар ҳам кўп эди. Шу билан бирга, уларнинг ҳаракати ҳеч қачон истило бўлмаган. Мусулмонлар қаерга боришса, динга даъват қилиш учун, адолат ўрнатиш учун боришган. Ўша ерларнинг аҳолиси билан ака-ука бўлиб яшаб қолган. (Душманлар «катта солиқ» деб номлаган «жизя» тўғрисида гаплар алоҳида мавзу). Мусулмонлар

ҳеч бир юртнинг молу мулкини талаб олиб кетмаган. Кишиларни Исломга киришга мажбур ҳам этмаган. Уларнинг муомаласи мустамлакачиларнинг номаъқул муомаласига мутлақо ўхшаган эмас. Буни инсофли ажнабий тарихчилар ва олимлар ҳам такрор-такрор қайд этганлар. Машҳур олим Томас Орланднинг «Исломга даъват» китобида бу ҳақиқатни тасдиқлайдиган кўпгина ҳужжатли далиллар келтирилади.

Яхшиси, бу масалани саҳобаларнинг ўзидан сўраш керак. Тарихда шундай бўлган ҳам. Саҳобаи киромлар Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анҳу бошчиликларида ўша даврдаги иккита катта империянинг бири Форс давлати чегарасига келиб тушдилар. Бундан хабар топган Форс давлати Рустам исмли лашкарбоши раҳбарлигида тайёргарлигини кўриб қўйган эди. Рустам мусулмонлар томон ўз элчиларини юборди. Форс элчилари мусулмонларнинг бошлиғини тополмай анча вақт овора бўлишди. Чунки Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анҳунинг алоҳида ажратилган жойи ҳам, кийими ҳам йўқ эди. У киши лашкарлари билан аралашиб юрар эдилар. Элчилар у кишини одамлар орасидан аранг топишди. Ўзларини таништирган элчилар Форс давлати раҳбарлари мусулмонлар вакили билан гаплашмоқчи эканини билдиришди. Саъд ибн Абу Ваққос орқаларига шундай қараган эдилар, ерда ёнбошлаб ётган, юпун кийинган Робиъ исмли саҳобага кўзлари тушди. Унга: «Сен булар билан бор, бошлиқлари бизнинг вакилимиз билан гаплашмоқчи экан», дедилар. Робиъ розияллоху анҳу бир чапдаст ҳаракат билан найзасига таяниб от устига сакраб минди ва элчиларга қараб: «Кетдик», деди. Элчилар лол бўлиб туриб қолишди. Бир жулдурвоқи кийинган «вакил»га, бир ерда ўтирган «амир»га қарашди. Ўзаро бир нималарни гаплашдилар-да, ниҳоят, катталари Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анҳуга: «Бундан кўра тузукроқ одам йўқми?» деди. Саъд ибн Абу Ваққос розияллоху анҳу: «Ичимизда тузугимиз шу, вакил юборишни сизлар сўрадингиз, биз эмас», дедилар.

Ноилож қолган элчилар ўша вакилни олиб, йўлга тушишди. Қароргоҳга яқинлашишлари билан элчилар отдан тушиб, таъзим билан юра бошлашди. Мусулмонларнинг вакили Робиъ розияллоху анҳу эса, уларнинг бу кулгули ҳолларини томоша қилганича отдан тушмай кулиб ичкарига кирди. Аммо, қоровуллар бирдан ёпирилиб, уни от устидан тортиб олишди ва улуғлари олдига от миниб бориб бўлмаслигини англатишди. Аммо у киши бошини мағрур тутиб, найзасини ерга қадаб-қадаб кета бошлади. У ҳар сафар найзасини ерга урганида, ерга тўшалган бир йўлбарс терисини тешар эди. Робиъ розияллоху анҳу тўғри бориб, тахтда ўтирган бошлиқнинг ёнидан жой олди. Аммо хизматкорлар дарҳол у кишини пастга ўтиришга мажбур этишди. Шунда Робиъ розияллоху анҳу: «Бизга сизлар ҳақингизда, адолатли подшоҳларингиз ҳақида хабарлар борар эди. Ҳаммаси беҳуда экан. Агар ўзингизга ўхшаш бир одамга шунчалар таъзим қиладиган бўлсангиз, бизга ҳеч ҳам тенг кела олмайсизлар», деди. Форсларнинг каттаси таржимонга: «Ундан сўра-чи, нима учун келишди экан?» деди. Робиъ розияллоху анҳу бу савол жавобига асрлар бўйи қоида бўлиб қолган жумлани айтди. У: «Аллоҳ таоло бизни бандаларни бандаларга ибодат қилишдан Аллоҳга ибодат қилишга, динларнинг жабридан Исломнинг адлига, бу дунё торлигидан у дунё кенглигига чиқариш учун юборди», деди.

Ҳа, мусулмон фотиҳлар бошқа юртларга фойдаларини кўзлаб эмас, балки Аллоҳнинг амрини бажариш учун боришган. Улар дунёдаги инсонлар қулликнинг турли кўринишларидан озод бўлиши учун курашишган. Ер юзи-

да фақат Аллоҳнинг ҳукми барқарор бўлишини исташган. Улар ер юзидаги бирон кимсага жабр ва зулмни раво кўришмаган. Ҳар ким хоҳлаган динини танлаб, Ислом адолатидан фойдалансин, деб ҳаракат қилишган. Улар қайси юрт тупроғига қадам қўйишса, олдин ерли аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб боришган. Чунки уларнинг вазифаси кишиларга Аллоҳнинг дини – Исломни етказиш бўлган. Улар ҳақ динга тарғиб қила туриб, мусулмон бўл – саломат бўласан ёки динингда қолмоқчи бўлсанг, жизя бер; унга ҳам, бунга ҳам кўнмасанг, орамизда уруш бўлади, дейишган.

Мусулмон фотиҳлар: «Биз тажовузкор уруш қилмаймиз, бировни динимизга киришга мажбур ҳам этмаймиз. Биз фақат бошқаларни Исломга даъват қиламиз, ким хоҳласа, мўмин бўлсин, хоҳламаса, кофирлигича қолсин, бу ўзининг иши. Фақат бизнинг йўлимизни тўсмасин, бошқаларни даъват қилишимизга ҳалақит бермасин. Исломга кирмоқчи бўлганларнинг ҳам йўлини тўсмасин. Бизнинг фикримизча, инсон фақат мусулмон бўлгандагина ёлғиз Аллоҳга ибодат қилган бўлади. Бу ҳақиқатни одамларга етказиш бизга топширилган. Топшириқни адо этишимизга тўсиқ бўлма! Ким бетараф бўлса, марҳамат, четда тинч-омон тураверсин. Лекин ким бизга қарши чиқса, даъватга йўл бермаса, бошқаларнинг Исломни ўрганишига тўсиқ бўлса, у билан урушишдан бошқа илож қолмайди», дейишади. Мусулмонларга уруш қилганларга қарши уруш қилинади, холос. Уруш пайтида Исломий қоида бўйича қари кишилар, ёш болалар, аёллар ва ибодатхоналарга тегиш мумкин эмас. Шунингдек, қурол кўтариб чиқмаганлар ҳам тинч қолади. Агар Аллоҳ нусрат бериб, мусулмонлар ғолиб келишса, душманни қуролсизлантириб, уларнинг Ислом соясида тинч-омон яшашлари жорий қилинади. Урушмасдан дастлабки даъватдаёқ ўз динида қолиб, жизя беришни ихтиёр этганлар ҳам мусулмонлар билан бирга тинч-омон яшайверади.

Жизя одамларни қийнаш учун жорий қилинган солиқ эмас. У ҳар бир бошга мажбурий ҳам эмас, балки қодир кишилардан маълум миқдорда олинадиган тўловдир. Биринчидан, жизя Аллоҳнинг динига даъват қилишнинг йўлини тўсмаслик, қарши турмаслик аломати сифатида берилади. Иккинчидан, жизя берган шахсни мусулмонлар ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қиладилар. Унинг ўзи, молу мулки ва оила аъзоларининг ҳимоясини ўз зиммаларига оладилар. Жизия тўлаган киши ҳарбий хизматдан ва бошқа сафарбарликлардан озод қилинади. Учунчидан, жизия тўлаган киши мусулмонлар тақдим этадиган оммавий-ижтимоий таъминотлардан фойда олади. Улар қурган кўприк, йўл, бозор ва бошқа нарсалардан фойдаланади. Қариганда, кексалик нафақаси олади. Тўртинчидан, жизия олгандан сўнг мусулмонлар юқорида зикр этилган ишларни бажара олмасалар, жизияни қайтариб эгасига топширадилар. Умуман, жизия масаласига тузукроқ назар солинса, уни ҳар ким ўзи учун бериши аён бўлади. Худди шу маънода мусулмонлар ҳам байтулмолга закот, ушр ва бошқа йўллар билан ўз ҳиссаларини қўшадилар.

Демак, аҳли китобларга тақлиф иккита: Ислом ёки жизия бериш. Мусулмон бўлсалар, биродар бўлиб яшайверадилар. Жизия берсалар, уларнинг ҳимояси, тинчлик-омонлиги ва диний эркинлиги мусулмонлар зиммасида бўлади. Урушни хоҳлаганлари уруш ҳам қилаверади. Мусулмонлар ўзлари эришган бахт-саодатга бошқалар ҳам эришишини ишташади. Улар ана шу истак йўлидаги тўсиқларга, куфр, зулм ва туғёнларгагина қарши курашишади.

(“Тафсири Ҳилол”дан).

# АЛЛОҲ ТАОЛОГА ИЙМОН

Аллоҳ таолога бўлган иймон Ислондаги энг муҳим фарзидир, муслмонликнинг асосидир, тавҳид шиоридир. Киши ҳамма нарсани ёлғиз Аллоҳ таоло яратганини, Ундан ўзгага сиғиниб бўлмаслигини, У комил сифатлар билан сифатланганини, айб-нуқсондан поклигини қалби билан тасдиқлаб, тили билан иқрор бўлса Аллоҳ таолога иймон келтирган бўлади. Аллоҳ таоло зоти ва сифатларида ягонадир, қадимдир (мавжудлигининг аввали йўқ), доимдир (мавжудлигининг ниҳояси йўқ), тирикдир, билувчидир, қодирдир, ихтиёрлидир (истаганини қилади), сўзлагувчидир, эшитувчидир, кўрувчидир. Аллоҳ таоло жисм ҳам, жавҳар (яъни модда) ҳам, араз (ранг, ҳид каби) ҳам эмас. Унинг сурати ва шакли йўқ. Аллоҳ таоло бирор томонда ва маконда эмас. Аллоҳ таолонинг борлиги замон билан белгиланмайди.

Аллоҳ таоло исмлари, зотий ва феълий сифатлари билан ҳаммиша бўлган ва бўлади. Аллоҳ таолонинг бирорта исми ва сифати янги пайдо бўлмаган. Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатларида ўхшаши йўқ, акси йўқ, тенги йўқ. Аллоҳ таоло ҳеч бир нарсага муҳтож эмас.

Аллоҳ таоло охиратда мўминларга кўринади. Ҳамма нарса Аллоҳ таолонинг хоҳиши, ҳукми ва тақдири билан бўлади. Аллоҳ таоло барча нарсани билади, ҳамма нарсага қодирдир. Бутун олам Аллоҳнинг яратиши билан йўқдан бор бўлди. Инсонлар мана шу борлиқни ўрганиб-англашга салоҳиятли қилиб яратилди. Бизнинг сўзлашимиз, кўришимиз, эшитишимиз, ҳид сезишимизнинг барчаси мўъжизадир. Ҳар биримизнинг танамиз, бошимиз, қўл-оёғимиз – бутун ички ва ташқи аҳзоларимиз ўзаро мутаносиб, мукамал этиб яратилган. Юрагимизнинг бир маромда уриб туриши ҳам Аллоҳнинг борлигига, бекиёс қудратига далолатдир.

«Аллоҳнинг неҳматларини санасангиз, саноғига ета олмайсиз» (Иброҳим, 34). Агар банда оят-аломатларга тафаккур билан қараса, ишончи ва маърифати ортади. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) дедилар: «Мен ва мандан олдинги пайғамбарлар сўзларининг энг аҳамиятлиси ва энг фазилатлиси «Ла илаҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу ла шарика лаҳ» (яъни, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ. У ягонадир. Унинг шериги йўқ) сўзидир».

Аллоҳ бирдир. Бу бирлик саноқ ва озлик билан эмас, Унинг шериги ва ўхшаши йўқлиги биландир. Тавҳид – Аллоҳга ширк келтиришнинг турли кўринишларидан воз кечиш ва Ҳақ субҳанаҳу ва таоло Зотида ҳам, сифатларида ҳам, ишларида ҳам, исмларида ҳам, ҳукмларида ҳам шериги йўқ, деб эътиқод қилишдир. Ким Аллоҳга ширк келтирса, у буюк кечирилмас гуноҳни қилган ҳисобланади. Аллоҳ таоло бузук ишончни қабул қилмайди. Ҳақ субҳанаҳу ва таоло



лога имон келтирган муслмон кишига «Аллоҳни кўриб турган каби Унга ибодат қилиш, мен Аллоҳни кўрмасам ҳам У мени кўриб туради», дейдиган мақомга етишиш лозимдир. Шунинг учун муслмонлар Исми Зотни тилга олганлари заҳоти «таоло» (яъни: «барчадан улуғ», «буюк») дея улуғлайдилар. Шунингдек, «азза ва жалла» (яъни: «қодир ва буюк»); «жалла зикруҳу» (яъни: «Унинг ёди улуғ»); «жалла жалалуҳу» (яъни, «Улуғлиги нуқсонсиз»); «жалла ва ала» (яъни: «Улуғ ва олий»); «жалла шаънуҳу» (яъни: «Унинг шавкати ва мартабаси улуғ»); «субҳанаҳу ва таоло» (яъни: «У нуқсонлардан пок ва улуғ») улуғлаш сифатларини ишлатадилар. «Аллоҳ» исмидан сўнг қўшилиб айтиладиган мазкур сифатлашлар фақат Унинг Ўзигагина хосдир. Аллоҳ таолога эҳтиқод бобида ибодатларимизда учрайдиган (Қуръони карим ва ҳадиси шарифларда келган) чуқур маъноларга эга муборак калималар бор. Масалан, «Ла илаҳа иллаллоҳ» (яъни, «Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ») калимасини айтишда кўп савоблар борлиги билдирилади. «Субҳаналлоҳ» (Аллоҳ таоло турли камчиликлардан пок, мутлақ камолот эгасидир); «Алҳамдулиллаҳ» (Бутун мақтовлар Аллоҳга хос); «Аллоҳу акбар» (Аллоҳ таоло ҳар қандай борлиқдан юқори, ҳеч бир нарса билан қиёс қилиб бўлмас даражада улуғ); «Ва ла ҳавла ва ла қуввати илла биллаҳ» (Куч ва қувват фақат Аллоҳдандир. Уламолар буни «соф тавҳид» дейишган).

# ҚАЗОИ ҚАДАРГА ИШОНЧ



Убода ибн Сомит розияллоху анху ўз ўғлига деди:

«Эй ўғлим! Сен то ўзингга етган нарса сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини, ўзингни четлаб ўтган нарса сенга етиши мумкин эмаслигини билмагунингча ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай деганларини эшитганман: «Албатта, Аллоҳ аввал яратган нарса Қаламдир. У Зот унга: «Ёз» деди. «Эй Роббим, нимани ёзаман?» деди. «Ҳар бир нарсанинг қиёмат қоим бўлгунча тақдирларини ёз», деди. Эй ўғлим! Албатта, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Ким мана шундан бошқа (ақийда)да ўлса, мендан эмас», деганларини эшитганман»

(Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган).

Шарҳ: Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Барчага ўзи учун халқ қилинган амал муяссардир» жумласи бор ҳадисларини мусулмон инсоннинг келгуси ишларда қазои қадарни қандай тушуниши лозимлигини баён қилувчи ҳадис, деб атаган эдик. Ушбу ҳадис эса, мусулмон инсоннинг бўлиб ўтган ишларда қазои қадарни қандай тушуниши лозимлигини баён қилувчи ҳадисдир.

Улуғ саҳобийлардан бўлмиш Убода ибн Сомит розияллоху анху мўминлик ва оталик бурчларини адо этиб, ўз ўғилларига қазои қадарга иймон келтиришдан дарс бермоқдалар. У киши ўғилларига мурожаат қилиб: «Эй ўғлим! Сен то ўзингга етган нарса сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини ва ўзингни четлаб ўтган нарса сенга етиши мумкин эмаслигини билмагунингча, ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан», демоқдалар.

Қаранг, иймон ҳақиқати таъми – қазои қадарга ишонишда экан! Ўзига етган нарсани: «Бу мени четлаб ўтиши мумкин эмас эди, албатта, шу нарса бўлиши керак эди», деб билишда экан! Ўзига етмай, ундан четлаб ўтиб кетган нарсани: «Бу шундоқ бўлиши керак эди, барибир менга етмас эди», деб билишда экан!

Агар бунга жиддийроқ эътибор

берадиган бўлсак, гап бўлиб ўтган ишлар ҳақида кетмоқда. «Ўзингга етган нарса сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини», яъни, сенга етган яхшилик сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини билмагунингча Иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан! Бу яхшилик ўзимнинг усталигимдан, бошқалардан устунлигимдан ёки фалончининг ёрдамидан етди, деб ўзингдан кетма. «Шу нарсага Аллоҳнинг хоҳиши бўлган экан, менга етди», деб Аллоҳга шукр айт!

Шунингдек, сенга етган ёмонлик сени четлаб ўтиши мумкин эмаслигини билмагунингча иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан! Бу ёмонлик фалон нарса бўлгани учун ёки фалончининг қўли билан етди, агар ундоқ бўлмаганда бундоқ бўлар эди, дейдиган бўлсанг, иймон ҳақиқати таъмини топишингга йўл бўлсин! Қачон «Шу нарса менга етиши керак эди, четлаб ўтиши мумкин эмас эди, мен қазои қадарга иймон келтирадиган одамман», десангина, Иймон ҳақиқати таъмини топишдан умид қилсанг бўлади.

Ўтган ишга афсус-надомат чекиш, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам овора қилиб, ақл-заковатни, куч-имкониятни, самарасиз уриниш ва вақтни беҳуда ўтказишга сарфлаш мусулмон одамга тўғри келмайди.

Шунинг учун бўлиб ўтган ишни қазои қадардан кўриб, келажакни ўйлаш, келажак учун ҳаракат қилиш керак.

«Ўзингни четлаб ўтган нарса сенга етиши мумкин эмаслигини билмагунингча, ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан». Сени бир яхшилик четлаб ўтса, аттанг қилиб: «ундоқ қилмай бундай қилганимда бу яхшилик мени четлаб ўтмасмиди?», деб юрма! Ёки бу иш фалончининг айби билан бўлди, агар ўшанинг айби бўлмаганда, бу яхшилик мени четлаб ўтмас эди, деб юрма! Ундоқ қилсанг, ҳеч қачон иймон ҳақиқати таъмини топа олмассан. «Бу яхшилик мени четлаб ўтиши керак экан, шундай бўлди, менга етиши мумкин эмаслиги учун етмади», десангина иймон ҳақиқати таъмини топа олурсан! Чунки шундагина қазои қадарга чин иймон келтирган бўлурсан!

Агар сени бир ёмонлик четлаб ўтган бўлса, «Усталик қилиб бу ёмонликдан четлаб қолдим», деб қувонма! Фалончининг ёрдами бўлмаганда ишим чатоқ эди, деб юрма. Бунда қазои қадарга шак келтирган бўласан! «Шу ёмонлик мени четлаб ўтиши керак эди, менга етиши керак эмас эди, шундай бўлди», дегин. Ана шунда иймон ҳақиқати таъмини топа оласан.

Убода ибн Сомит розияллоху

анху ўғилларига қилган насиҳатлари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларидан келиб чиққанини билдириш учун: Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Албатта, Аллоҳ аввал яратган нарса Қаламдир. У Зот унга: «Ёз» деди. «Эй Роббим, нимани ёзаман?» деди. «Ҳар бир нарсанинг қиёмат пайти бўлгунча тақдирларини ёз», деди, деганларини эшитганман», деб гапларини давом эттирдилар.

Демак, Аллоҳ таоло халойиқни, борлиқни яратишдан олдин, Ўзи ҳаммадан олдин яратган Қаламга айтиб, қиёмат қоимгача бу дунёда бўладиган ишларни ёздириб қўйган. Ана ўша нарсага ҳар бир мусулмон иймон келтириши керак. Ана ўшанда ўтган нарсага ноўрин муносабатда бўлиб, ўзини ҳам, ўзгаларни ҳам қийнамайди, қазои қадар ақийдасига шак келтирмайди.

Худди шу ақийдада яшаб, худди шу ақийдада ўлиш ҳар бир мусулмон учун ниҳоятда зарурдир. Чунки, бу ақийдадан четга чиққан одам залолатга кетган бўлади. Шунинг учун ҳам Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мана шундан бошқа (ақийда)да ўлса, мендан эмас», деганлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу гаплари «Менинг йўлимда эмас», деганларидир. Бу эса, жуда оғир гапдир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлидан бошқа йўлда бўлишдан Аллоҳ асрасин.

Ушбу ҳадисдан қуйидаги фойдаларни оламиз:

1. Отанинг боласига ақийда бўйича таълим бериши зарурлиги.
2. Иймон ҳақиқати таъми борлиги.
3. Мўмин-мусулмон одам ўзига етган нарса четлаб ўтиши мумкин эмаслигини билиши лозимлиги.
4. Мўмин-мусулмон одам ўзини четлаб ўтган нарса унга етиши мумкин эмаслигини билиши зарурлиги.
5. Билган одам гапини ҳадис билан тасдиқлаши яхшилиги.
6. Қаламга ва унинг Аллоҳ яратган биринчи нарса эканига иймон келтириш.
7. Ҳамма нарсанинг тақдири яратилишдан олдин ёзиб қўйилганлиги.
8. Қазои қадардан бошқа ақийда билан ўлган одам Муҳаммад

соллаллоҳу алайҳи васаллам йўлларига бўлмаслиги.

Бу ҳадиснинг ҳикмати қазои қадар ақийдасидан кўзланган ҳикматнинг асосини ташкил қилади, десак муболаға бўлмайди. Бу эса, инсоният учун жуда зарур нарсadır. Ўйлаб кўрадиган бўлсак, қазои қадар ақийдаси асосан бўлиб ўтган нарсага нисбатан ишлатилади. Бировга мусибат етади, бировнинг бошига оғир иш тушади, молида, жонида нуқсонга учрайди, яна биров кўзлаган яхшиликка эриша олмайди.

Ана шунда афсус-надомат бошланади. Умидсизлик юзага чиқади. Нима учун шундай бўлди, деган савол пайдо бўлади. Бу мусибатларнинг сабабини ахтара бошлайди. Ўз фикрича, мусибатига сабабчи бўлганларга душманлик қилишни бошлайди. Ўзи руҳий-маънавий зарар кўргани етмагандек, бошқаларга зарар етказиш, ижтимоий алоқаларни бузиш ҳам бошланади. Қўйингки, ўтиб кетган иш учун, қайта тиклаб бўлмайдиган нарса учун, беҳудадан-беҳуда зарар кўриш бошланади.

Қазои қадарга ишонган одам эса, ушбу ҳадиси шарифга амал қиладида, «Менга етган ушбу нарса мени четлаб ўтиб кетиши мумкин эмас эди, муқаррар иш бўлди. Қазои қадардаги бор нарсага беҳуда афсус-надомат чекиб ўтиришнинг ҳожати йўқ, энди ўзимга муяссар бўлган ишни қилишдан қолмай», дейди. Беҳудага асабини бузишдан, руҳий-маънавий эзилишдан, ақл-заковат, куч-қудрат сарфлашдан, ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам зарар етказишдан тийилади. Куч ва имкониятларини келажаги учун сарфлашга ўтади.

Бу ҳолат фақат мусулмонларда бўлиши мумкин холос. Франциялик олимлардан бири ўзининг мусулмон бўлишига сабаб бўлган ҳодиса ҳақидаги хотираларида, жумладан, қуйидагиларни айтади:

«Илмий гуруҳ билан узоқ Жазоир қишлоқларидан бирида эдик. Бир куни қаттиқ шамол турди. Бош кўтариб, кўз очишнинг имкони бўлмай қолди. Ерли аҳоли бутун имкониятларини ишга солиб, ўзларини, молу мулкларини қутқаришга ҳаракат қилар эди. Шамол эса, борган сари кучаяр, йўлда нима тўғри келса, учириб кетар эди. Шамол бир неча кун давом этди. Зарар кўрмаган турар



жой қолмади. Тирик ҳайвон қолгани аломати ҳам йўқ эди. Дову дарахт, экин-текин тўғрисида гапирмаса ҳам бўлаверади. Умуман, ҳаётнинг асари қолмади. Биз ўзимизча: «Энди ерли аҳоли бошқа жойга кўчиб кетса керак» деб ўйлар эдик.

Шамол тўхтади. Аммо, биз кутган нарсаларнинг бирортаси ҳам бўлмади. Ҳеч ким бўлиб ўтган фалокатдан шикоят қилмади. Ҳамма ўз жойидан чиқиб, ҳеч нарса бўл-маганидек, қолган-кутган нарсаларни тартибга солишни бошлади. Биров кўрилган зарарига афсус-надомат чекмас, фақат қолган нарсалардан фойдаланиб, ҳаётни аввалгидай давом эттириш пайдидан бўлар эди. Бу оддий, саҳровий одамларнинг ўзларини тутишлари менга қаттиқ таъсир қилди. Сўраб-суриштириб, улар қазои қадарга ишониларини, ўша ақийдага биноан иш тутаётганларини билдим».

Ҳозирги кунда дунёнинг кўплаб жойларида қазои қадар ақийдаси йўқлиги туфайли муаммолар тўлиб-тошиб ётибди. Турли-туман асабий касалликлар, тушкунлик ва умидсизликлар, ўз жонига қасд қилишлар ҳамда бошқа муаммолар шулар жумласидандир. Бунинг бирдан-бир сабаби, бўлиб ўтган нарсани қазои қадар ақийдасига биноан тушунмасликдир. Биз, мўмин-мусулмонлар бу ақийдани ўз ўрнида ишлатмоқни билишимиз зарур.

**(“Ҳадис ва Ҳаёт”, 2-жилд, 207-212-бетлар).**



# ЗУБАЙР ИБН АВВОМ

Абу Абдуллоҳ Зубайр ибн Аввом ибн Ҳувайлид ал-Асадий ал-Қурайший (р.а.), машҳур саҳобийлардан. Ун икки ёшларида муслмон бўлганлар, Абу Бакрнинг даъвати билан Исломга кирган беш маккаликнинг тўртинчиси, «Собиқуни Ислом»нинг еттинчиси эдилар. Ашараи Мубашшарадан. Расулulloҳнинг (с.а.в.) сулоаларига бешинчи отада (Қусойда) бирлашади. Ҳазрати Хадича каби Бани Асад уруғидан, Пайғамбаримизга холавачча, Хадичага эса аканинг ўғли эдилар. Ҳазрати Оишанинг синглиси Асмога уйланиб, Расули акрамга божа бўлганлар. Аввал Ҳабашистонга, кейин Мадинага ҳижрат қилганлар. Исломда биринчи бўлиб қилич суғурганлар, Расулulloҳнинг барча ғазотларида қатнашганлар, Ярмак, Жабал ғазотлари, Миср фатҳи иштирокчиси. Яраланавериб кўкраклари ўйдим-чуқур бўлиб кетган эди. «Асҳоби шўро» деган олтиликка кирганлар. Кейинроқ савдогарлик билан ниҳоятда бойиб кетган эдилар, хайр-эҳсонни кўп қилганлар, тўрт миллион дирҳамлик мол-мулкларининг катта қисмини Ислом йўлида ишлатишни васият этганлар. Расули акрамдан 38 та ҳадис ривоят қилганлар. Ҳижрий 34 (милодий 656) йили ухлаб ётганларида Ибн Журмуз деган киши томонидан ўлдирилганлар.

\*\*\*

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади: «Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам Ҳиро тоғи устида эдилар. Бас, у қимирлаб кетди. Шунда Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «Эй Ҳиро, собит бўл, устингда Набий, сиддиқ ва шаҳиддан бошқа ҳеч ким йўқ», дедилар. Ўшанда унинг устида Набий соллаллоху алайҳи васаллам, Абу Бакр, Умар, Усмон, Али, Толҳа, Зубайр ва Саҳд ибн Абу Ваққос розияллоху анҳумлар бор эдилар» (Имом Муслим ва Термизий ривоят қилишган).

Ушбу ҳадиси шарифда зикри келаётган шарафга ҳар ким ҳам сазовор бўла олмайди. Бундоқ улуғ шарафга фақат санокли кишилар сазовор бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатда эса, чаҳорёрлардан ташқари фақат уч киши Пайғамбар соллаллоху алайҳи васаллам билан бирга Ҳиро тоғига чиқиш, у тоғнинг қимирлаши ва Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва-

салламдан ўзларининг шаҳид бўлишлари ҳақида башорат эшитиш бахтига сазовор бўлган эканлар. Ана шу саодатманд саҳобалардан бири бўлмиш Зубайр ибн Аввом розияллоху ким ўзи?

Зубайр ибн Аввом розияллоху анҳунинг оналари Софийя бинти Абдулмуттолиб бўлиб, Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг аммалари эди. Яъни, Зубайр ибн Аввом розияллоху анҳу Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг аммаларининг ўғли эдилар. Зубайр ибн Аввом розияллоху анҳу Қурайш қабиласининг Асад уруғидан бўлиб, у кишининг қунялари Абу Абдуллоҳ эди.

Зубайр ибн Аввом ёшлигидан от миниб, чавандозлик ва пахлавонликка мойил бўлиб ўсди. У кичиклигиданоқ кишилар орасида ўзининг мазкур сифатлари билан шуҳрат топган эди. Ибн Саъд раҳматуллоҳи алайҳ «Табақотул Кубро» китобида зикр қилишича, Зубайр ибн Аввомнинг онаси Софийя бинти Абдулмуттолиб кичиклигида отасидан етим қолган ўғли Зубайрни қаттиқ қалтаклар эди. Одамлар «ахир уни ўлдириб қўясан, жигарини эзиб юбординг, болани ҳалок қилдинг-ку», дейишса, «мен буни пишсин деб, катта бўлганда лашкарларни ортидан эргаштирсин деб ураман», дер эди.

Бир куни Маккада кичкина Зубайр бир катта одам билан муштлашиб қолди. У ўз рақибини уриб, қўлини синдирди ва ер тишлатиб қўйди. Ҳалиги одамни кўтариб кетишаётиб Софийянинг олдидан ўтиб қолишди. У одамлардан: «Бунга нима бўлди?» деб сўради. «Зубайр билан муштлашди», дедилар. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Ахир ўғил тоғга тартади-да. Зубайр ибн Аввомнинг тоғаси кимсан шери Худо, саййиди шуҳадо Ҳамза ибн Абдулмуттолиб розияллоху анҳу эди.

Зубайр ибн Аввом розияллоху анҳу Исломни биринчи бўлиб қабул қилган еттиликка кирдилар. У киши Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳудан кейин, тўртинчи ёки бешинчи бўлиб, Исломга кириш бахтига муяссар бўлганлар. Зубайр ибн Аввом розияллоху анҳу ўшанда ўн беш-ўн олти ёшда эдилар. У киши Аллоҳ таолонинг инояти ила ёшлиқдан Ислом таълимотлари асосида ўсдилар. Дастлабки муслмонлар Аллоҳ таолонинг дини йўлида тортган барча машаққат ва

кийинчиликларга баробар шерик бўлдилар.

Абу Нуъайм «Ҳулятул Авлиё»да Абул Асваддан келтирилган ривоятда жумладан қуйидагилар айтилади: «Зубайрнинг амакиси уни бўйрага ўраб, осиб қўяр ва олов ёқиб, унга тунни киритиб, куфрга қайт, дер эди. Зубайр бўлса, зинҳор куфр келтирмайман, дер эди». У киши Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам Дорул Арқамда олиб борган яширин диний дарсларда ҳам фаол иштирок этганлар.

\* \* \*

Ибн Асокир келтирилган ривоятда Саъийд ибн Мусаййаб розияллоҳу анҳу айтадилар: «Аллоҳнинг йўлида биринчи бўлиб қилич яланғочлаган киши Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳудир. Бир куни у чошгоҳ пайтида ухлаётган эди. Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам қатл қилинибдилар, деган гапни эшитиб қолди. Шунда у қилич яланғочлаб, шиддат билан чиқиб келди. Унга Набий соллalloҳу алайҳи васаллам дуч келиб қолдилар ва: «Сенга нима бўлди, эй Зубайр?!» дедилар. «Сизни қатл қилинганингизни эшитдим», деди. «Нима қилмоқчи эдинг?» дедилар. «Аллоҳга қасамки, Макка аҳлидан дуч келганини қиличдан ўтказмоқчи эдим!» деди. Шунда Набий соллalloҳу алайҳи васаллам унинг ҳаққига хайрли дуо қилдилар».

Мушрикларнинг душманликлари ҳаддан ошиб кетгач Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламнинг амрларига биноан Аллоҳ учун, дину диёнат учун Ҳабашистонга ҳижрат қилган биринчи муҳожирлар ичида ана шу энг ёш, энг шижоатли Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу ҳам бор эдилар. Имом Заҳабий «Ислом тарихи» китобида қуйидагиларни ривоят қилади: «Ҳабаш аҳлидан бир қавм Нажошийнинг мулкини талашиб қолди. Нажоший унга қарши юриш қилди. Ораларида Нил дарёси бор эди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари: «Ким бориб, урушда ҳозир бўлиб бизга унинг хабарини келтиради?» дедилар. Шунда Зубайр ибн Аввом ўртага чиқиб: «Мен бориб, сизларга ишончли хабарни келтираман!» деди ва ёш бўлишига қарамай, бу хавфли хизматни ўз зиммасига олди.

Унга бир мешкобни шишириб бердилар. Зубайр ибн Аввом уни кўксига қилиб, дарёнинг уруш бўлаётган нариги тарафига сузиб кетди. У қаршидаги қирғоққа ўтиб, уруш бўлаётган жойга борди. Аллоҳ азза ва жалла Нажошийга душмани устидан нусрат берди. Зубайр ибн Аввом ўз биродарлари ҳузурига кийимини силкитиб: «Суюнчи, Нажоший ёлиб бўлди, Аллоҳ унинг душманини ҳалок қилди», дея югуриб келди. Мусулмонлар бу ғалабадан шод бўлдилар ва кўнгиллари қувончга тўлди. Улар Зубайр ибн Аввомнинг шижоатига тан бердилар».

Кейин у киши Маккада ҳолат яхшиланибди, деган хабарга ишониб қайтгач, иш бошқача эканини билиб, яна Ҳабашистонга қайтган ва икки ҳижрат соҳибларидан бўлганлар. Зубайр ибн Аввом Ҳабашистондан иккинчи марта Маккага қайтиб келганда Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам Мадинага ҳижрат қилаётган эдилар.

\* \* \*

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг Маккадан Мадинага қилган машаққатли ҳижратларида ҳам Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳунинг зикрлари бор. Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳи ўзларининг «Саҳиҳ»ларида Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламнинг ҳижратлари ҳақида келтирилган узун ҳадисда, жумладан, қуйидагиларни ҳам келтирилганлар: «Ибн Шиҳоб айтади: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам бир гуруҳ мусулмон отлиқлар билан келаётган Зубайрга йўлиқдилар. Улар Шомдан келаётган тожирлар эдилар. Шунда Зубайр Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламга ва Абу Бакрга оқ кийим кийдирди».

Бу ҳам Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу учун катта бахт эди. Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам ўз ҳамсафарлари Абу Бакр Сиддиқ билан мушрикларнинг таҳқибидан қочиб, йўлнинг оғир машаққатларидан чарчаб-ҳориб, бировлардан изн сўраб, қўйларини соғиб ичиб, келаётган бир пайтларида икковларига оқ кийим кийдириш, хурсанд қилиш бахт эмасми?! Бир оздан сўнг Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам ва Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу худди шу Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу кийдирган оқ кийимларида дорулҳижра – Мадинаи мунавварага кириб бордилар.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу ўзлари ҳам ҳижрат қилиб, Мадинаи мунавварага келдилар. У киши дастлаб Мунзир ибн Муҳаммад ибн Уқбаникига тушдилар. Кейинчалик Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам у кишини Салама ибн Салома ибн Вақш ал-Авсий билан биродар қилдилар.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Абу Бакр Сиддиққа кўев эдилар. У киши Абу Бакр Сиддиқнинг катта қизлари Асма бинти Абу Бакрга уйланган эдилар. Яъни, Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламга божа бўлганлар. Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу ўз аҳллари билан ҳижрат қилиб келганларида Асма бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳо тўнғич фарзандларига юкли эдилар. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллalloҳу алайҳи васаллам Зубайрнинг уйида чироқ кўрдилар ва: «Эй Оиша! Асма нифос кўрганга ўхшайди. Унга исм қўймай туринглар. Ўзим исм қўяман», дедилар. Шунда у зот унга Абдуллоҳ деб исм қўйдилар ва қўллари билан хурмода танглайини кўтардилар» (Имом Термизий).

Ҳижратдан кейин маълум муддатгача муҳожирлар оиласида фарзанд туғилмаган. Яҳудийлар: «Биз уларни сеҳр–лаб қўйдик, улар энди фарзанд кўрмайдилар», деган гап тарқатишган эди. Шунинг учун ҳам Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳунинг оиласида фарзанд туғилганининг хабари тарқалганда мусулмонлар Мадинаи мунаввара осмонини «Аллоҳу акбар!» деб такбирга тўлдирганлар.

\* \* \*

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васаллам билан бирга барча жангларда ихлос билан иштирок этиб, ўзларининг фидокорликлари, жасоратлари, баҳодирликлари билан Ислом тарихининг заррин саҳифаларига номларини олтин ҳарфлар ила битдилар.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу инсоният тарихидаги ҳал қилувчи жанглардан бири бўлган, унда иштирок этган мусулмонларга Аллоҳ таоло томонидан улкан марҳаматлар қатори жаннат ваъда қилинган Бадр жангида ҳам жонбозлик кўрсатдилар.

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам иккинчи ҳижрий сана, Рамазоннинг ўн еттинчи куни, жума кечаси хуфтон пайтида Бадрнинг қўйи томонига келиб тушдилар. Вазият жуда оғир эди. Мусулмонлар ҳали ўз тарихларида душман билан юзма-юз бўлмаган эдилар. Бунинг устига ўша жангда мусулмонларнинг сони мушрикларникидан уч марта кам эди. Ҳаммаси етмаганидек сув танқислиги вужудга келди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам энг чапдаст ва уддабурон саҳобалардан танлаб, сув олиб келишга юборишга қарор қилдилар. У зот Али, Зубайр, Саъд ибн Абу Ваққос ва Басбас ибн Амр розияллоҳу анҳумни ана шу ишга буюрдилар. Ана шундай таҳликали пайтда Набий соллalloҳу алайҳи васалламнинг ихтиёрлари тушган бу кишилар улкан саодат эгалари эдилар. Улар Пайғамбар соллalloҳу алайҳи васалламнинг ишончларини шараф билан оқлаб, мусулмонларни сув билан таъминлашди.

Эртаси куни мусулмонлар билан мушриклар ўртасида ҳаёт-мамот жанги бошланди. Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу учқур отларини миниб, сариқ салла ўраб жангга отил-

дилар. У киши Қурайшнинг бошлиқларини кўзлаб от сурар эдилар. Тарихчиларнинг таъкидлашларича, ўша жаҳон тарихидаги машҳур кунлардан бири бўлган кунда Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Қурайш бошлиқларидан Убайда ибн Саҳид ибн Осс ва Навфал ибн Хувайлид ибн Асадларни қатл этганлар. Зубайр ибн Аввомнинг ўзлари эса, икки жойларидан қаттиқ яраланганлар. Тарихчиларнинг таъкидлашларича, Бадр жанги куни Зубайр ибн Аввомнинг икромлаш учун мусулмонларга ёрдамга тушган фаришталар у кишига ўхшатиб сариқ салла ўраб тушишган.

\* \* \*

Кейин Уҳуд уруши бўлди. Мусулмонлар учун ғоятда оғир кечган бу урушда Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу мислсиз жасорат ва мардлик намуналарини кўрсатдилар. Мушриклар катта куч билан бостириб келиб, Уҳуд тоғига яқин жойга тушган эдилар. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шўро мажлиси ўтказдилар. Мажлис шаҳар ташқарисига, Уҳудга чиқиб ўша ерда душман билан жанг қилишга қарор қилди.

Расулulloҳ алайҳиссалоту вассалом иккита совутда чиқдилар. Байроқни Мусҳаб ибн Умайр розияллоҳу анҳуга бердилар. Бир қанотга Зубайр ибн Аввомни, иккинчи қанотга Мунзир ибн Амрни бошлиқ қилдилар. Демак, Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан тайин қилинган биринчи қўмондонлардан ҳисобланадилар. Бу бахт ҳар кимга ҳам насиб қилавермайди. У киши Ислому лашкарининг бир қаноти қўмондони сифатида ҳаммага ўрнак кўрсатиб жанг қилдилар. Жанг давомида мусулмонлар учун ғоятда ноқулай вазият вужудга келди. Уларни бу ноқулайликдан чиқариш учун ғоят мард, шижоатли ва баҳодир жангчи керак эди. Худди ана ўша киши Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу бўлиб чиқди.

Ибн Исҳоқ бу ҳақда қуйидагиларни ривоят қилади: «Уҳуд куни мушрикларнинг байроқдори Толҳа ибн Абу Толҳа яккама-якка олишувга чақирди. Одамлар унга қарши чиқа олмай туриб қолдилар. Шунда унга Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу чиқди. У сакраб душманнинг туясига миниб, уни тортиб ерга йиқитди. Ўзи ҳам унга қўшилиб йиқилди. Душманни устидан отиб ташлади-да, қиличи билан сўйиб ташлади. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни олқишладилар ва: «Ҳар бир набийнинг ҳаворийи бор. Менинг ҳаворийим Зубайрдир. Одамларнинг яккама-якка олишувга чиқмай туриб қолганларини кўрдим, агар у чиқмаганида, албатта, ўзим чиқар эдим», дедилар».

Уҳуд урушида мусулмонларнинг бутунлай мағлуб бўлишига сал қолди. Мушриклар жангдан сўнг яна ҳужум қилиб қолармикан, деган хавф туғилди. Одамлар ғоятда чарчаган, ўликлар ва ярадорлар кўп эди. Аммо мушриклар қайта ҳужум бошлаб қолишлари энг ёмони эди.

Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мушрикларга мусулмонларнинг қувватлари бор эканини кўрсатишга қарор қилдилар. У зот душман ортидан қувиб бориш учун кўнгилли кишиларни танлаб олишга аҳд қилдилар. Ана ўшанда Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу биринчилардан бўлиб йўлга отландилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ва Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳуни етмиш кишига бошлиқ қилиб, душман ортидан юбордилар. Икки қўмондон ўз лашкарларини усталик билан олиб бориб, душман кўнглига ғулғула солдилар. Қурайш мушриклари буларнинг кўриниши жуда ҳам хавфли, ортларидан келадиган асосий кучлари яна ҳам шиддатли бўлиши мумкин, деган ўйда, Мадинага қайта ҳужум қилиш фикридан қайтди.

Ибн Исҳоқ раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилади: «Ҳандак

куни Навфал ибн Абдуллоҳ ибн ал-Муғйра ал-Махзумий чиқиб, яккама-якка олишувга чақирди. Унга қарши Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу чиқди ва уни қилич билан бир уриб, иккига бўлиб ташлади. Ҳатто қиличи ҳам бўлиниб кетди».

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Бани Қурайза қамали, Водил-Қуро юриши, Ҳайбар жанги, Макка фатҳи, Хунайн ғазоти каби машҳур Ислому муҳорабаларида ҳам мислсиз жасорат намуналарини кўрсатдилар.

\* \* \*

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Рафиқи Аълога интиқол қилганларидан кейин, рошид халифалар даврида ҳам ўзларининг Аллоҳ таоло йўлидаги ҳаракатларини шараф билан давом эттирдилар. Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг халифалик даврида Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу аввало, муртадларга қарши олиб борилган урушларда фаол қатнашдилар. Кейин эса, музаффар фотихлар орасида Шомга юриш қилдилар. У киши Ярмуқдаги тарихий жангнинг бош қаҳрамонларидан бири бўлдилар. Ҳазрати Умар халифаликлари даврида эса Миср фатҳида жонбозлик кўрсатдилар.

Ҳазрати Усмон даврларига келиб Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу Ислому жамиятининг энг кўзга кўринган арбобларидан бирига айланган эдилар. Ҳатто ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳуга бир гап бўлиб қолса, ўринларига Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳуни халифа қилиш ҳақида маслаҳатлар ҳам бўлган.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу ҳазрати Алига халифа сифатида байъат қилинганидан кейин фитначилардан ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳунинг қасосларини зудлик билан олишни талаб қилганлардан бўлдилар. Тўртинчи халифанинг қасос олиш учун қулай вақтни топиш кераклиги ҳақидаги гаплари ҳам у кишини тинчита олмади. Умр бўйи ҳар қандай душманни енгиб ўрганган Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу бир тўп фитначилардан Ислому жамияти бошлиғини ҳимоя қилина олинмаганидан қаттиқ афсусда эдилар. Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу тезроқ фитначиларни йўқ қилиб ҳаммаёқни тинчитиш тарафдори эдилар.

Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу васф қилинган жанговар сифатларидан ташқари вафодорлик, бир сўзлик, карамлик, сахийлик каби инсоний сифатларга ҳам эга эдилар. Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу бошда ўта камбағал ҳаёт кечирганлар. Ҳатто ровийлар у кишининг хотинлари Асма бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳонинг камбағалликдан қийналиб, уй ишларидан ташқари қўй-мол боқиш, саҳродан ўтин териб, бошига қўйиб кўтариб келиш ишлари билан ҳам машғул бўлганларини келтирадилар.

Кейинроқ, Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу тижорат билан шуғулланганлар ва яхшигина пул топадиган бўлганлар. Аммо ўшанда ҳам у кишининг ўта сахийликлари туфайли уйларида бир нарса турмаган. Катта маблағ тушган бўлса ҳам уйларига етиб келмас эди. Йўлдаёқ одамларга бериб юборар эди, дейишди гувоҳлар. Шунинг учун ҳам Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳу вафот этишларидан олдин катта ўғилларига қарзни узишни алоҳида таъкидлаб васият қилганлар. Аллоҳ таоло Зубайр ибн Аввом розияллоҳу анҳудан рози бўлсин!

**Аҳмад МУҲАММАД тайёрлади.**



Тоза кийим, тоза бадан, намоз ўқиладиган тоза ўринда таҳорат билан қиблага юзланган ҳолда намоз ўқишга киришилади. Намоз қуйидаги тартибда ўқилади.

#### Икки ракатли суннат намозлари ўқиш тартиби:

1. Каъба томонга юзланиб «Бомдод (ёки пешин, шом, хуфтон) намозининг икки ракат суннатини холис Аллоҳ учун ўқишга ният қилдим» мазмунида ният қилинади.
2. Икки қўл кафтини қиблага қарата кўтариб, бош бармоқ қулоқ юмшоғига теккизилади ва «Аллоҳу акбар», дея такбир айтиш билан намоз бошланади.
3. Қўлларни қовуштирган ҳолда киндик остида тутиб «Сано» («Субҳанака аллоҳумма...») ўқилади.
4. Тааввуз («Аъзу биллаҳи...»), басмала («Бисмиллаҳ...») билан Фотиҳа сураси, кейин тааввуз ва басмала айтмай зам қилиб (қўшиб) бирорта сура ўқилади.
5. «Аллоҳу акбар» деб эгилиб рукуъга борилади, бунда уч марта «Субҳана роббийал-ъазийм» (Улуғ Роббим покдир), дейилади.
6. Белни тиклаётиб «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ» (Узига ҳамд айтган кишини Аллоҳ эшитади), дейилади. Тўла тикланиб бўлгач «Роббана лакал ҳамд» (Роббим, мақтов фақат Сенгадир), дейилади. (Жамоат билан намоз ўқилганда имом аввалги дуо билан кифояланади, иқтидо қилувчи (эргашувчи) кейингисининг ўзини айтади)
7. «Аллоҳу акбар» деб ерга аввал тиззалар, кейин кафтлар, сўнг бурун ва пешона қўйилиб, сажда қилинади. Бунда тирсақлар ерга ва биқинларга теккизилмайди, барча аъзолар, хусусан, оёқ бармоқлари иложи борича қиблага юзлантирилади. Саждада уч марта «Субҳана Роббийал-ъало» (Олий Роббим покдир), дейилади.
8. «Аллоҳу акбар» деб саждадан бош кўтарилади ва чап оёқни тўшаб, ўнг оёқ кифтини тик қилиб, бармоқлар қиблага юзлантирилган, икки қўл кафти учи тизза баробарига қўйилган ҳолда ўтирилади.
9. «Аллоҳу акбар» деб иккинчи марта юқоридаги каби сажда қилинади.
10. «Аллоҳу акбар», деб ҳеч нарсага суюнмай иккинчи ракатни ўқиш учун ўридан турилади.

11. Иккинчи ракатда ҳам «Бисмиллаҳ...» билан Фотиҳа сураси, орқасидан Қуръондан билганича бирор сура ёки узунроқ оят ўқилади.
  12. Биринчи ракатдагига ўхшаш рукуъ, саждалар қилинади.
  13. Саждадан сўнг ўнг оёғини тиклаб, чап оёғи устига ўтиради ва аввал «Ташаҳҳуд» («Аттаҳиййат...»), ортидан икки саловот («Аллоҳумма солли ъала...» ва «Аллоҳумма барик ъала...»), кейин дуолар («Роббана...») ўқиб, аввал ўнг елкага, кейин чап елкага «Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳ», деб салом беради, шу билан икки ракат намоз якунланади. Икки ракатли фарз намозлари ўқиш тартиби ҳам бундан фарқланмайди.
- Тўрт ракатли суннат намозини ўқиш тартиби:
1. «Тўрт ракатли пешин намози суннатини холис Аллоҳ учун ўқишга ният қилдим» мазмунида ният қилинади.
  2. Қўллар кафтини қиблага қаратиб такбир («Аллоҳу акбар») айтилади.
  3. Қўллар боғланиб, Фотиҳа ва ортидан бирор сура қўшиб ўқилади.
  4. Такбир билан рукуъга бориб, уч марта «Субҳана Роббийал азийм» дейилади.
  5. Тикланиб «Самиъаллоҳу лиман ҳамидаҳ», «Роббана лакал ҳамд» дейилади.
  6. Такбирлар билан икки марта сажда қилиб, ҳар бирида «Субҳана Роббийал аъла» дейилади.
  7. Яна такбир билан тикланиб, юқоридаги тартибда иккинчи ракат ҳам адо этилади.
  8. Иккинчи ракат саждасидан сўнг фақат «Ташаҳҳуд» («Аттаҳиййат») ўқиб, такбир билан учинчи ракатга турилади.
  9. Учунчи ракатда ҳам Фотиҳа, бирор сура қироат қилинади.
  10. Такбир билан рукуъга борилади, икки марта сажда қилинади.
  11. Такбир билан тўртинчи ракатга турилади, Фотиҳа, бирор сура қироат қилинади.
  12. Такбир билан рукуъ ва икки марта сажда қилинади.
  13. Кейин чап оёқ устига ўтириб, ўнг оёқни бош бармоғига тиклаган ҳолда «қаъдаи охир»да «Ташаҳҳуд», саловотлар, дуолар ўқиб, икки томонга салом берилади.

#### Уч ракатли намоз ўқиш тартиби:

1. Аввалги икки ракат юқорида баён этилган икки ракатли намоз ўқиш тартибига кўра адо этилади.
  2. Иккинчи ракатдан сўнг «қаъдаи уло»да фақат «Ташаҳҳуд» ўқилади ва учинчи ракатга «Аллоҳу акбар» деб турилади.
  3. Учунчи ракатда «Бисмиллаҳ...» билан Фотиҳа сурасининг ўзи ўқилади, сўнгра юқоридагидек рукуъ ва сажда қилинади.
  4. «Қаъдаи охир»да ўтириб, «Ташаҳҳуд», саловотлар ва дуоларни ўқиғач, салом бериб намоз якунланади.
- Тўрт ракатли фарз намозларини ўқиш тартиби:
- «Тўрт ракатли пешин (ёки аср, хуфтон) намозлари фарзини холис Аллоҳ учун ўқишга ният қилдим» мазмунида ният қилинади.
2. Такбир билан намозга киришилади.
  3. Қўлларни киндик остига боғлаб, Фотиҳа ва бирор сура қироат қилинади.
  4. Такбир билан рукуъга борилади.
  5. Такбир билан тикланиб, сўнгра яна такбир билан икки марта сажда қилинади.
  6. Иккинчи ракатга туриб, уни ҳам шу йўсинда бажарилади.
  7. «Қаъдаи уло»да фақат «Ташаҳҳуд» ўқиб, такбир билан учинчи ракатга турилади.
  8. Учунчи ракатда фақат Фотиҳа сурасининг ўзи қироат қилинади ва яна такбир билан рукуъ ва икки сажда қилинади.
  9. Такбир билан тўртинчи ракатга туриб, бунда ҳам фақат Фотиҳа сурасининг ўзи ўқилади.
  10. Такбир билан рукуъ ва икки сажда қилинади.
  11. «Қаъдаи охир»да «Ташаҳҳуд», саловотлар, дуолар ўқиб, икки томонга салом бериб, намоз якунланади.
- Тўрт ракатли суннат намозлари ҳам тўрт ракатли фарз намозлари каби адо этилади. Фақат тўрт ракатли суннат намозларида учинчи ва тўртинчи ракатларда Фотиҳадан сўнг бирор сура зам қилинади (қўшиб ўқилади).

## БУНДАЙИН АДОЛАТНИНГ ЎХШАШИ БОРМИ?

Ислом инсониятнинг ҳаёт тарзини белгилаб берадиган, уни ахлоқ қоидалари билан ихоталайдиган, барча ёмонлик – гуноҳлардан муҳофаза қиладиган, фақат эзгулик, яхшилик, солиҳ амалларга даъват этадиган сўнги Ҳақ диндир, динлар ичида энг адолатлисидир!

Кишилик тарихини қузатсангиз, ҳалигача бирор-та тузум, дин ёки мафкура инсонлар ўртасида чинакам адолат ва тенглик ўрната олган эмас. Аксинча, ҳозирги ғарб мутафаккирлари «Дунёнинг энг катта ҳоқими – адолатсизлик, уни ҳақсизлик бошқаради», деб иддао қилишади. Фақат Исломгина инсонларга чинакам илоҳий адолатни таклиф эта олди, жамиятда бу адолатни ўрната олди. Унинг Низомидаги бош ғоя ҳам Адолатдир.

Исломнинг буюк адолати шундаки, у бу дунё ортидан Охират дунёси борлигини эълон қилди. Агар шундай бўлмаганида инсон дунё ҳаётидаги олтмиш-етмиш йиллик қисқагина умрини меҳнат-машаққатлар, уруш-жанжаллар, турли касаллик ва фалокатлар, хўрлик ва изтироблар ичида совуриб, эвазига ҳеч қандай мукофот олмай ўтиб кетган бўлур эди. Дунёда ҳақсизлик, зулм, қийноқ, адолатсизликларга дуч келганида «Бунинг эвазига охиратда ажр бор-ку!» деган улуғ таскин-тасаллини топа олмаган бўлур эди.

Исломнинг буюк адолати шундаки, у ўлгандан кейин қайта тирилиш борлигини эълон қилди. Агар шундай бўлмаганида, ўлим инсон учун энг катта фожиа, кулфат, адолатсизликка айланган, уни ўрганиб қолган ҳаётдан, яқинларидан, мол-мулкидан, мавқе-мартабасидан бир лаҳзада узиб қўядиган золимликка айланган бўлур эди. Инсон бир куни ўлимдан қўрқа-қўрқа жон берган ва ҳайвонлар каби ўлиб кетиб, тупроқда беному-нишон чириган бўлур эди.

Исломнинг буюк адолати шундаки, у охиратда Ҳисоб-китоб борлигини эълон қилди. Агар шундай бўлмаганида дунёни ҳақсизлик, фитна-фасод, зулм-истибдод, зўравонлик ва муттаҳамлик босиб кетган бўлур эди. Исломдан чекинган ёки узоқда бўлган жамиятларнинг ҳозир ҳам ана шу кулфатлар исканжасидан чиқа олмаётгани бунга ёрқин далилдир.

Исломнинг буюк адолати шундаки, у барча инсонларни ҳур, тенг ва насаб-мансабда баравар деб эълон қилди. Агар шундай бўлмаганида кулдорлик авжига чиққан бир даврда юборилган бу дин кул билан хожани бир мақомга қўймаган (Расули акрамнинг Аммор ибн Ёсир, Билол Ҳабаший, Салмон Форсий каби ўнлаб саҳобалари мусулмон бўлишгунича кул эди), кул озод қилишни ибодат ва гуноҳларга каффорат (эваз) даражасига кўтармаган, қулининг айби учун бир тарсаки туширган хожага бу гуноҳи эвазига қулини озод қилишга буюрмаган бўлур эди.

Агар шундай бўлмаганида оддий бир кампир Ислом давлатининг ҳукмдорини (масалан, Ҳазрати Умарни) кўчада тўхтатиб танбеҳ бера олмаган бўлур эди. Ёки Мафтуна исмли қоратанли бир ночор аёл Миср ҳукмдоридан девори бузилиб кетгани, қўшнинг товуги чиқиб озор бераётгани, шунинг учун деворини тузатиб беришни сўраб, унга мактуб йўлламаган бўлур эди.

Ёхуд Пайғамбарнинг қуёви бир яҳудий билан тортишиб қолганида адолат истаб Ислом қозисининг олдига бормаган ва қози ҳам айб яҳудийда экани аниқ бўлгандагина: «Яхшиямки, Али ҳақ бўлиб чиқди, акс ҳолда яҳудий фойдасига ҳукм қилиб виждоним қийналган бўлур эди», деб изтироб чекмаган бўлур эди.

Ёки Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломдан бир ўғрини авф қилишни сўрашганида «Агар қизим Фотимани тутиб келганларингга ҳам қўлини кесган (яъни жазолаган) бўлур эдим» деб ҳукм чиқартирмаган бўлур эди.

Исломнинг буюк адолатидан иккитагина мисол: халифалик Умар ибн Абдулазизга ўтган пайтда Самарқанд аҳлидан бир жамоа элчи бўлиб келди. Улар диёрларидаги Ислом қўшини қўмондони Қутайба ибн Муслим шаҳарлари Самарқандга киргани ва адолатсиз равишда мусулмонларни у ерга жойлаштирганидан шикоят қилиб келган эди. Умар ибн Абдулазиз Самарқанд волийига (ҳоқимига) мактуб ёзиб, уларнинг шикоятини кўриб чиқиш учун бир қози тайин этишни, агар қози мусулмонларни Самарқанддан чиқишга буюрса, буни бажаришни амр этди. Волий Жамий ибн Ҳозир ал-Божий уларнинг шикоятини кўриб чиқиш учун қози тайинлади. Қози эса мусулмон бўлгани ҳолда лашкарни у ердан чиқаришга ҳукм қилди. Чунки уруш Ислом қоидаларига биноан қилинмаган эди.

Самарқанд аҳли бу ҳолни кўриб, ҳайратда қолди. Ўз қўшини ва қўмондонининг зарарига бўлса ҳам адолат ила ҳукм юритаётган бу давлатнинг мисли йўқ эканини англади. «Бу миллатга қарши курашилмайди, чунки унинг ҳукми раҳмат ва неъматдир», деб Ислом қўшинининг қолишига рози бўлишди ва ўз ораларида мусулмонларнинг яшашларини маъқул кўришди.

Музаффар Ислом лашкари Дамашк, Ҳимс ва Суриянинг бошқа шаҳарларини фатҳ қилган пайтида ерли аҳолидан уларни ҳимоя ва мудофаа қилиш эвазига солиқ (жизя) олди. Ҳирақл улар билан ҳал қилувчи жангда

тўқнашиш учун катта қўшин тўплаётганини эшитган қўмондонлар фатҳ этилган шаҳарларни ташлаб чиқиб, Румга қарши урушиш учун бир жойда тўпланиш керак, деган фикрга келишди. Холид ибн Валид Ҳимс аҳлини, Абу Убайда ибн Жарроҳ Дамашқ аҳлини, улардан бошқа қўмондонлар қолган шаҳарларнинг аҳолисини йиғиб: “Биз сизларни ҳимоя ва мудофаа қиламиз, деб молларингизни олган эдик. Ҳозирда эса вазият тақозосига кўра бунга қодир эмасмиз. Мана, сизларнинг молларингиз, қайтариб олинглар”, дейишди. Ўша шаҳарларнинг аҳолиси: “Аллоҳ сизларга ғалаба ато этсин. Аллоҳга қасамки, сизларнинг ҳукм ва адолатингиз Румнинг жабр ва зулмидан яхшидир. Аллоҳга қасамки, улар сизнинг ўрнингизда бўлишганида олган нарсаларини қайтариб беришмасди. Балки ўзлари билан олиб кетган бўлишарди”, дейишди.

Тарих воқеалари Шом насроний аҳолисининг ҳавотирини тўла тасдиқлади. Мусулмонлар Андалусияни фатҳ этганларидан сўнг миллионлаб ерли аҳоли Исломга кирди. Мусулмон бўлмаганлар ҳам тинч, осойишта умргузаронлик қилишди. Кейинчалик тарих ғилдираги эврилиб, бу ўлкани яна салибчилар ишғол этишди. Босқиндан сўнг ўша миллионларча мусулмонлардан бирор киши тирик қолдирилмади. Ҳозир у ерларда ўша замонлардан бери эътиқодини тутиб келаётган бирор мусулмон қолмади.

Миср ва Шом фатҳ этилганида маҳаллий халқ ора-


сида насронийлари ҳам бор эди. Улар ҳозирда ҳам мавжуд. Ҳанузгача масжидлар ёнида қўнғироқларини бонг урдириб черковлар ҳам ишлаб турибди. Насронийларни ҳеч ким қирмади ва зўрлаб Исломга киритмади.

Мусулмон подшоҳлар Ҳиндистонда асрлар мобайнида ҳукмронлик қилишди. Уларнинг ерли аҳолини зўрлаб Исломга киритиш имконлари бор эди. Лекин бирор марта ҳам динга зўрлаш ҳолати содир бўлмади. Шу боис ҳам Ҳиндистонда мусулмонлар озчиликни ташкил этади.

Биринчи салиб юриши даврида (1096-1099) масиҳийларнинг эллик минглик қўшини Қуддуси шарифга кирди. Жон сақлаш умидида Масжиди Ақсога беркинган қариялар, аёллар ва гўдакларни салибчилар аёвсиз қириб ташлашган эди. Ушанда шаҳарнинг мусулмон ва яҳудийлардан иборат юз мингдан ортиқ аҳолиси қатл этилган. Бегуноҳларнинг қони дарё бўлиб оқди. Орадан саксон саккиз йил ўтиб, Салоҳиддин Айюбий Қуддуси шарифни қайта фатҳ этди. Аммо у ўч олмади, салибчиларга қирқ кун муҳлат ичида шаҳардан чиқиб кетишни амр қилди.


Исломнинг буюк адолатини намоён этувчи бу каби мисоллар тарих саҳифаларида тўлиб-тошиб ётибди. Фақат уларни холис нигоҳ, озгина инсоф билан кўра билиш лозим. Шунда ҳақиқат озор топмайди...

**Абу АЙЮБ тайёрлади.**



Журнал мухлисларининг саволларига шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари жавоб берадилар:

# БЕВОСИТА МУЛОҚОТ



## ДЎППИСИЗ НАМОЗ ЎҚИСА БЎЛАДИМИ?

Ҳайит намозига чиққанимда бир отахон: «Нега бошингга дўппи киймадинг, бош кийимсиз намоз ўқисанг қабул бўлмайди», дея менга танбех бердилар. Ҳақиқатан ҳам шундайми?

ЖАВОБ: Бу масала айниқса ёшлар билан қариялар ўртасида кўп тортишувларга сабаб бўлаётгани ҳаммамизга маълум. Бошланг намоз ўқиса намози қабул бўлмайди ёки мумкин эмас, деган гап бироз нотўғри. Намоз ўқиш ёки унинг қабул бўлиши шартларида бош кийими талаб қилинмаган. Аммо кўпчилик ёшларнинг мана шу нарсани эътиборсиз қолдириб, қасддан доимий равишда бошланг намоз ўқишни одат қилиб олишлари ҳам одобдан эмас. Дўпписиз намоз ўқиш китобларимизда беодоблик экани қайта-қайта таъкидланган. Ҳозирги кунда ўша бошланг юрадиганларнинг кўплари Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам суннатларига амал қилиш лозимлиги тўғрисида кўп гапиришади. Лекин бу борада у зотнинг, саҳобалар, тобеъинлар, уламолар ва ўтган барча азизларимизнинг амалларини эслашни ўзларига эп кўришмайди. Агар масалага инсоф билан қараладиган бўлса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам, саҳобалар, тобеъинлар ва яқин-яқингача барча мусулмонлару, уламолар ҳам бошланг намоз ўқишни ўзларига эп кўришмаган. Модомики, ўтган солиҳ аждодлар изларидан эргашишни даъво қилар эканмиз, бошланг намоз

ўқигандан кўра бош кийими билан намоз ўқиш одоб юзасидан афзал эканини тушуниб етишимиз лозим (Аллоҳ билувчидир).

## ҚЎШИМЧА ҲАҚ ОЛИШ ҲАРОММИ?

Мени бир нарса қийнапти. Ўз қиладиган ишим учун ойлик маош оламан. Баъзида «қўшимча» ҳақ ҳам бўлиб туради, яъни бажарган ишимга пул сўрамасам ҳам кўпинча бериб кетишади. Лекин бу ишни ундан пул олиш мақсадида қилмаганман, бу менинг вазифам. Бунинг ҳукми қандай? Бу пуллар менга ҳалолми ёки пора ҳисобланадими?

ЖАВОБ: Агар ўша пул бераётган одам ўз ихтиёри билан берган бўлса, бунинг ҳеч қандай зарари йўқ. У сизни ишни яхши бажарганингиз учун рағбатлантириш ниятида берган бўлади. Бу нарса пора эмас. Баъзилар уни «чой пули» деб аташади, араблар эса, «бахшиш» дейди. Пора тамоман бошқа нарса (Аллоҳ билувчидир).

## НАСРОНИЙЛАРГА ТАЪЗИЯ БИЛДИРИШ МУМКИНИМИ?

Мусулмон киши насронийларнинг дафн маросимида («похорон»ида) иштирок этиши мумкинми ёки унга бормагани маъқулли? Ишхонада мен билан бирга ишлайдиган насроний динидаги бир кишининг яқин одами оламдан ўтиб қолса, унга таъзия билдиришим керакми?

ЖАВОБ: Мусулмон кишининг насронийлар дафн маросимида бориши мумкин. Аммо ибодатларида иштирок этиш мутлақо мумкин эмас. Агар ишхонада сиз билан бирга ишлайдиган бир насронийнинг яқин кишиси оламдан ўтиб қолса, унга таъзия билдиришингиз мумкин (Аллоҳ билувчидир).

## ПУЛ ТОПИБ ОЛИНСА НИМА ҚИЛИНАДИ?

Кўчада тушиб қолган пулларни қўриб қолдим. Уни нима қилиш керак? Олишим мумкинми ё менга ҳаромми? Ёки олиб, садақа қилиб юбориладими?

ЖАВОБ: Бу мол-мулкка тааллуқли масала. Шариат ҳукми бўйича йўқолган нарсани топиб олган шахс уни омонат шаклида олиб туриб, топиб олганини эълон қилади. Эгаси чиқса, қайтариб беради. Агар чиқмаса, эгаси чиқса тўлаш шarti билан топиб олган шахс унга эғалик қилади. Зайд ибн Хolid ал-Жуҳанийдан (розияллоҳу анҳу) ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким йўқолган нарсани танитмай ўзиники қилиб олса, залолатга кетувчидир», деганлар» (Муслим ва Аҳмад).

Йўқолган нарса топилганини билдириш топиб олган жойида ва одамлар кўп бўладиган ерларда топиб олган кишининг ёки вакилининг: «ким фалон нарсани йўқотган бўлса, фалон жойга, фалончига учрасин», деб эълон қилиш билан бўлади. Нарсани йўқолганини даъво қилиб келган шахс эса унинг сифатларини ва бошқа аломатларини айтиб, ўзиники эканини исбот қилиши шарт.

Шундай нарсаларни топиб олган одам бир йилгача омонат шаклида ушлаб туради. Бир йилгача эгаси чиқса, омонатни унга беради. Агар бир йил ичида эгаси чиқмаса, у нарса топиб олган кишининг мулкига айланади. Лекин, эгаси чиқиб қолса, тўлаб бериш шarti билан. Пайғамбаримиздан (соллаллоҳу алайҳи васаллам) топиб олинган тилло ёки кумуш ҳақида сўралди. У зот: «Унинг идиши ва боғичини танит. Сўнгра бир йил кут. Агар эгасини топмасанг, уни ишлатиб юборавер. Шунда у сенинг ҳузурингда омонатга қўйилган нарсадек бўлиб қолсин. Агар қачон бўлса ҳам бир кун талаб қилувчиси келса, уни унга топшир», деганлар» (Муслим). Демак, йўқолган нарса эгасини кутиш учун тайин қилинган вақтдан кейин ҳам топиб олганнинг мулкига айланиб қолмас экан. Қачон эгаси пайдо бўлса, унга тўлаб бериши керак экан (Аллоҳ билувчидир).



**Менинг исмим. Олдин насроний эдим, айти пайтда – мусулмон даъватчисиман. Жуда кўп сафарда бўламан. Сафарда барча дин вакиллари билан мулоқот қиламиз, баҳс юритамиз. Биз кўпроқ ўқув юртларида, ҳар хил ташкилотларда, харбий қисмларда ва қамоқхоналарда учрашувлар ўтказамиз. Одамларга мусулмонлар ҳақида сўзлашга ва Ислом ҳақиқатини етказишга ҳаракат қиламиз.**

Ўзларини “мусулмонмиз” деганларнинг кўплари ҳали Ислом нимага буюришини яхши билишмайди. Арабча сўз бўлган “Ислом”нинг маъноси ўз нафсини синдириб, Аллоҳ буйруқларини ўз нафсидан устун қўйиш ва Аллоҳга тамомила бўйсунуш демақдир.

Бирок мен ҳозир бироз шошилиб кетяпман. Аввал мен сизларга насроний бўлган пайтларимда баъзи бир саволларга жавоб топиш мақсадида қандай йўللари босиб ўтганим ҳақида гапириб берсам.

Мен Америка Қўшма Штатларининг ғарбида туғилганман. Менинг оилам ва аждодларимиз нафақат мактаб ва церковлар қуришган, балки бу ерларга биринчилардан бўлиб кўчиб келишган эди.

1949 йили оиламиз билан Техасга кўчиб келдик. У пайтлари мен мактаб ўқувчиси эдим. Биз церковга мунтазам қатнар эдик, мени ўн икки ёшимдаёқ чўқинтиришганди.

Ўсмирлик йилларимдаёқ хар хил дин ва мазҳабларга (конфессияларга) қизиқиб кўрдим. Мен баптистлар, методистлар, католиклар, протестантлар, Епископал церковни, Масих церковни, Ҳудо церковни, Масихдаги Ҳудо церковни ва бошқа церков вакиллари билан мулоқотда бўлганман. Мен бу билан чекланиб қолганим йўқ, мен ҳиндикуйлик, буддавийлик, метафизика, ҳатто Америка хиндуларининг “дини”ни ҳам ўргандим. Мен фақат Исломни қолдириб кетибман. Нима учун? Қизиқ савол...

Ўттиз йил давомида мен ва отам тижорат ишлари билан шуғулландик. Биз кўнгилочар дастурлар, аттракционлар ва шоуларни ташкиллаштирар эдик. Бундан ташқари, биз Техасдан Оклахомагача, у ердан Флоридагача музика асбоблари дўконларини очдик. Мен ўша йиллари миллионлаб доллар пул топганман, лекин руҳий хотиржамликни топа олмаганман. У фақат ҳақни топганларга ва нажот йўлини англаганларга берилар экан.

Ишончим комилки, сизлар ҳам ўзингизга: «Худо мени нима учун яратди?», «Худо мендан нима истайди?», «Худо ким?» деган саволларни бериб кўргансиз. Бундан ташқари, мен Учлик назариясига ҳеч тушунмаганман. Ҳеч қайси роҳиб менга буни аниқ тушунтириб бера олмаган. Нима учун бир уч бўлади, нима учун ҳар нарсага қодир Худо инсонларнинг гуноҳини кечириб қўя қолмай, уларнинг гуноҳларини ўзига олиш учун ерга тушиб, инсонлар қатори инсон бўлади?

Кунларнинг бирида (бу 1991 йили бўлган) мусулмонлар Инжилга ишонишларини билиб қолдим. Бу кашфиётдан ҳайрон қолдим. Бу қандай бўлиши мумкин? Билишимча, бу ҳаммаси эмас эди. Бундан ташқари улар:

Исо (алайҳиссалом) Худонинг ҳақиқий элчиси эканига;

Пайғамбар эканига;

Мўъжиза орқали отасиз туғилганига;

Инжилда зикри келган элчи эканига;

Ҳозир Аллоҳнинг ҳузурини эканига;

Қиёматдан олдин Дажжол билан урушгани келишига ишоншар экан.

Шу нарсанинг ўзиёқ мен учун кўп нарса эди. Чунки мен муружаат қиладиган муҳитда мусулмонларни ёмон кўриш одатий ҳол ҳисобланади. Одамлар Исломдан кўрқинишлари учун баъзи бир инжилчилар ҳар хил бўҳтонлар тўқиб чиқаришарди. Отам билан ўгай онам шундай инжилчиларнинг кўпи билан таниш эдилар, улар орасида Ислом билан кўрқитувчиларнинг ашаддийи Пат Робертсон ҳам бор эди.

1991 йили отамнинг иши мисрлик бир тадбиркор билан боғлиқ бўлиб қолди. Отам менинг у билан учрашимни истади. Албатта бу менга ёқди, чунки бу мендай бир тадбиркор учун жаҳон миқёсига чиқиш эди. Отам бунинг орқасидан мисрлик тадбиркорнинг мусулмон эканини ҳам эслатиб қўйди.

“Мусулмон?” Мен қулоқларимга ишонмасдим. Асло бўлиши мумкин эмас! Мен отамга мусулмонлар ҳақида эшит-

ганларимни бирма-бир айтиб бердим: улар террорчилар, босқинчилар, одам ўғрилари, менинг тушунчам бўйича улар Худога ҳам ишонмайдилар, беш маҳал ерни ўпишади, чўлдаги қора Уйга сиғинашади.

Йўқ! Ҳеч қачон муслмон билан учрашмайман! – ўйладим мен.

Отам “учрашасан” деб туриб олди, бундан ташқари у одам жуда ҳам ёқимтой деди. Охири мени кўндирди.

Лекин мен отамнинг олдига ўз шартларимни қўйдим. Мен у билан шанба куни черковга бориб келгандан сўнг учрашаман. Қўйнимда ҳар доимдагидек Инжилим бўлади. Бўйнимда ялтираган катта хоч ва бошимда олдига “Исо – Роббимиз” деб ёзиб қўйилган қалпоқчам бўлади.

Муслмон билан учрашувга мен билан бирга хотиним ва икки қизим ҳам келганди. Мен дўконга кириб, отамдан “Мисрлик қани?” деб сўраганимда “анави ерда” деб менга уни кўрсатди.

Мен ридо кийган, бошида катта салла, кўксигача соқол қўйган кекса бир одамни кўрсам керак, деб тасаввур қилгандим. Рўпарамда соқолсиз, балки сочи деярли тўкилган тепакал одам турарди. У мени кўлимни тутиб, жуда илиқ, мулозамат билан кутиб олди. Бу эса менга қандайдир ҳақиқатдан узоқроқ ҳолдай туюлди. Мен муслмонларни террорчи – қароқчи сифатидагина танирдим. У бўлса бу тасаввурга сира тушмас эди.

Майли, муҳими бу эмас. Мен бу одам устида ҳали кўп ишлашим керак, уни нодонликдан қутқаришим зарур ва буни мен Худойим билан бирга амалга ошироқчи эдик.

Тезда танишиб олганимиздан сўнг мен уни саволлар билан кўмиб ташладим:

– Сиз Худога ишонасизми?

– Ҳа. (“Бу ҳозирча яхши!” – ўйладим мен)

– Сиз Одам ва Ҳаввога ишонасизми?

– Албатта.

– Авраам (Иброҳим алайҳиссалом) ҳақида нима дейсиз? Ўғлини Худо учун қурбон қилмоқчи бўлганига ишонасизми?

– Ҳа.

– Моисей (Мусо алайҳиссалом) ҳақида нима дейсиз? Исроил халқини ўтказиб юбориш учун Қизил денгиз очилгани ҳақида-чи?

У буларни ҳам тан олишини айтди.

– Сиз бошқа пайғамбарларга ҳам ишонасизми?

– Ҳа.

– Инжилга-чи?

– Ҳа.


Энди энг керакли саволни бериш пайти келганди.

– Сиз Исога (алайҳиссалом) ишонасизми? Элчи эканига-чи?

У яна аниқ ишонишини айтди, қарасам, ишим осон кўчадиганга ўхшади. Афтидан бу мисрлик чўқинишга тайёр, фақат буни қандай қилишни билмай турибди, деб ўйладим. Мен деярли ҳар куни одамларни насронийликка даъват этар эдим. Аммо энди бир адашган муслмонни қутқарсам, катта хизмат кўрсатган бўлман, деб ўйладим.

Сўроқ-саволлардан кейин мен унга бирга чой ичишни таклиф қилдим. Биз яқин орадаги савдо марказида жойлашган кафега кирдик ва у ерда бизнинг энг севимли машғулотишимиз Худога ишонч борасида бемалол гаплашиб олишимизга имконият туғилди.

Стол атрофида гаплашиб ўтиришимиз давомида (асосан мен гапирар эдим) суҳбатдошим ёқимтой, юввош ва бироз тортинчоқ экани аён бўлди. У ҳар бир сўзимни диққат билан тинглар ва гапимни бирон марта ҳам



бўлмас эди. Менга унинг ўзини тутиши ёқди. Шундан келиб чиқиб, мисрлик ўз танловини амалга ошириб бўлди ва яхши насроний бўлади, деган хулосага келдим.

Лекин мен бу воқеалар қандай натижа билан тугашини ҳали билмас эдим.

Уша суҳбатдан сўнг мен у билан ишлашга рағбат билдирдим ва Техаснинг шимолий қисмига иш билан боғлиқ бўладиган сафаримда менга ҳамроҳ бўлишини таклиф этдим. Биз сафар чоғида одамлар эътиқод қиладиган ҳар хил динлар ҳақида баҳслашар эдик. Мен ҳар доим уни насронийликка даъват қилишга ҳаракат қилар эдим.

Биз Худони таниш, яшашдан мақсад, яратилишдан мақсад, пайғамбарлар ҳақида, уларнинг мақсади, Худонинг баъдаларига юборган буйруқлари ҳақида кўп суҳбатлашар эдик. Бундан ташқари, биз шахсий тажрибаларимиз билан ҳам ўртоқлашар эдик.

Кунлардан бир куни менинг янги дўстим Муҳаммад ижара турган уйдан кетишга мажбур бўлиб қолганини, биронта ижарага уй топилгунича вақтинча масжидда яшаб туришни режалаётганини эшитиб қолдим. Шунда отамнинг олдига бориб: Муҳаммад бизнинг шаҳардан ташқаридаги уйимизда яшаб турса яхши бўларди, анча-мунча рўзғор ишларида қарашиб турарди, чиқимларимизнинг бир тарафини кўтариши ҳам мумкин, дедим. Асосийси бирон жойга бирга борадиган бўлсак, уни топиш осон бўлишини айтдим. Отам рози бўлди ва Муҳаммад бизникида яшай бошлади.

Албатта мен вақт топиб, Техасдаги Инжилчи роҳиб дўстларим билан ҳам учрашиб-кўришиб турардим. Менинг Инжил даъватчиси бўлган бир дўстимда автомобилдан каттароқ ёғоч хоч бўлар эди. У хочни кўчада шундай тортиб юрардики, хочнинг узун қисми ерда судралиб борарди. У катта кўча бўйлаб хочни судраб кетаётганида машинада кетаётган одамлар тўхтаб, нима учун бундай қилаётганини сўрашар, шунда дўстим уларга насронийлик дини ҳақида варақа ва китобчаларни тутқазар эди.

Бир куни шу дўстимнинг юраги хуруж қилиб қолади ва фахрийлар касалхонасига узоқ муддатга даволинишга ётқизилади. Мен ҳафтада бир неча марта уни кўргани борар эдим. Касалхонага Муҳаммадни ҳам бирга бошлаб борар эдим, чунки шунда диний мавзуларда Муҳаммад билан суҳбатлашиш осон бўлади, деган умидда эдим. Бу бемор дўстимга унчалик қизиқ туюлмади, чунки унинг Ислом ҳақида ҳеч нарса билгиси келмас эди.

Бир вақт дўстим ётган хонага қўшнисини ногиронлар аравачасини ғилдиратиб кириб келди. Мен унинг ёнига бориб исмини сўрадим, у менга “бунинг аҳамияти йўқ” деб жавоб берди. Менинг: “Қаердансиз?” деган саволим-

га, у қўполгина “Юпитердан” деб жавоб қилди. Шундан кейин ўйланиб қолдим: мен кардиология бўлимидаманми ёки жиннихонада?

Кейинчалик маълум бўлдики, бу одам тамоман ёлғиз бўлиб, ҳозир тушкунлик (депрессия) ҳолатида экан. Мен унга Худо ҳақида “гувоҳлик” бера бошладим, Инжилдан ўқиб бердим. Машғулотиمنى тугатганимдан сўнг у менидан кечирим сўради ва гуноҳларига тавба қилишини айтди. Мен унга бунинг иложи йўқлигини, чунки мен черков руҳонийи эмаслигимни айтганимда, у эътироз билдириб бу нарсаларни яхши билишини, унинг ўзи католик черкови руҳонийи эканини айтди.

Мен ҳайрон бўлиб қолдим, демек черков руҳонийини насронийлик динига даъват қилибман-да! Дунёда нималар бўляпти? – дедим ўзимга ўзим.

Руҳоний ўн икки йил давомида миссионерлик билан Жанубий ва Марказий Американи, Мексика ва Нью-Йоркни кезиб чиққанини айтди. Касалхонадан чиққанидан сўнг ўзига келиши учун унга тинч жой керак эди. Мен уни яшаш учун уйимизга таклиф этдим, ҳамма рози бўлди ва у бизникида яшай бошлади.

Йўлда мен руҳонийга Исломнинг айрим жиҳатлари ҳақида гапириб бердим. Ажабланарлиси шундаки, католиклар мусулмонлар билан бир фикрда эдилар. Мен янги дўстимдан яна шуларни билдимки, Ислом уларнинг ўқув дастурларига киритилмоқда экан, баъзи бирлари эса бу соҳада илмий ишлар (диссертация) ҳам ёқлашаётган экан.

Энди ҳаммамиз ошхонамизда тўпланиб, диний мавзуда суҳбатлашар эдик. Хар бир насроний ўзи билан бирга муқобил бир Инжилни (уларнинг ҳаммаси хар хил) олиб келар эди. (Мисол учун католиклар Инжили еттита китоб, протестантларда эса бошқа китоб). Буни натижасида бизнинг кўп вақтимиз булардан қайси бири ҳақиқатга яқинроқки, ундан фойдаланиб, Муҳаммадни насроний бўлишга ишонтира олсак, деган фикрларни аниқлашга кетарди.

Бир пайт мен Муҳаммаддан: Қуръон нозил бўлганига ўн тўрт аср бўлганини ҳисобга олганда, Қуръоннинг неча хили бор, деб сўрадим. “Фақат битта, бирор маротаба ҳам ўзгартирилмагани бор”, деган жавобни олдим.

Бундан ташқари, мен минглаб одамлар Қуръонни ёддан билишини, улар бутун ер юзи бўйлаб сочилиб кетганларини ва улар дунёнинг хар хил мамлакатларида яшашларини, юз йиллар аввал ҳам миллионлаб одамлар Қуръонни ёддан билганини, улар бу Муқаддас Китобнинг хар бир харфини ёддан билиб, бошқаларга ўргатганларини билиб олдим.

Мен даъватни Инжил ёрдамида амалга ошириб бўлмаслигини англадим. Инжил ёзилган тиллар ҳозир ўлик тил ҳисобланади, дастлабки манбаалар йўқолган. Шунинг учун дастлабки манбадан хар бир харфигача тиклашнинг иложи йўқ.

Яхши кунларнинг бирида католик руҳонийи Муҳаммаддан масжидга бориб кўрса бўладими, деб сўради. Улар бирга масжидга бориб, тез орада қайтишди ва менинг у ерда қанақанги маросимлар ўтказилар экан, деган саволимга, руҳоний “деярли ҳеч қандай” деб жавоб берди. Руҳоний: “Мусулмонлар масжидга келишар экан, ибодат қилишар ва кетишар экан”, деди. Мен ҳайрон бўлдим. «Нега кетишади? Ҳеч қандай нутқлар гапирмай, қўшиқлар айтмасдан-а?». “Ҳа, шундай”, деди яна менинг ҳайронлигимни ошириб.

Бир неча кундан кейин руҳоний яна Муҳаммаддан масжидга олиб боришини сўради. Лекин бу сафар ҳаммаси бошқача бўлди. Улар у ерда узоқ қолиб ке-

тишди. Қоронғи туша бошлади, уларга бирон кор-ҳол бўлмадимикин деб, хавотир ола бошладик.

Хайрият улар остонада пайдо бўлишди, мен Муҳаммадни дарров танидим, лекин ёнидаги ким? Оқ ридо кийган, бошига оқ бош кийим кийган одам. Бир дақиқа! Ахир бу – руҳоний-ку!

«Пит сен мусулмон бўлдингми?» дедим. Унинг жавоби қатъий эди. Католик руҳонийи Исломни қабул қилса-я! Бу ёғи нима бўлади? – ўйладим мен.

Мен бироз ўйланиб, хотиним билан бу воқеаларни таҳлил қилиш учун тепа қаватдаги хонага чиқдим. Хотиним ҳам муслима бўлмоқчилигини, Ислом ҳақ йўл деб ҳисоблашини айтди.

Энди мен ҳақиқатда ҳайратда қолгандим. Пастга тушиб, Муҳаммадни уйғотдим, унинг олдимга киришини ва бир масалани аниқлаштириш кераклигини айтдим. Биз кечаси билан гаплашиб чиқдик, тонг саҳари кирган пайт ҳақни қабул қилиш пайти келганини ва биринчи қадамни ташлаш кераклигини аниқ англаб турар эдим...

Тез орада мен отамнинг уйи атрофида биринчи намозимни ўқиса бўладиган бирон нарсани қидирдим ва фанера бўлагини топдим. Ва мен кўчадан топганим фанера бўлагиде Муҳаммад доим юзланиб турадиган тарафга қараб, ибодат қила бошладим.

Сажда вақтида: «Э, Худо! Мени ҳаққа йўллаб қўй, йўллаб қўй, йўллаб қўй», дея илтижо қилдим. Бироздан кейин мен бошимни кўтариб, ниманидир сездим.

Йўқ, мен қушларни ёки фаришталарнинг осмондан тушаётганини кўрмадим. Ёки ғойибдан бирор овоз ҳам эшитганим йўқ. Бирон-бир нурнинг бирдан чарақлаганлигини ҳам сезмадим. Лекин ичимда бир нарсга ўзгарганини сездим. Ёлғон ва гумонли таклифлар билан яшашни, ёлғон гапиришни тўхтатиш вақти келганини хар қачонгидан ҳам яхшироқ англаб турардим.

Энди мен нима қилишни яхши билардим. Тепага чиқиб, душ қабул қилдим. Сезяпманки узоқ йиллардан бери қилиб юрган гуноҳларимни ювиб ташляпман. Мен учун янги, тоза ҳаёт бошланаётган эди. Ҳақ устига қурилган ҳаёт...

Кундузи соат ўн бирлар атрофида мен икки гувоҳ – Муҳаммад ва собиқ роҳиб олдида туриб шаҳодат калимасини такрорлар эдим: «Гувоҳлик бериб айтаманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ ва яна гувоҳлик бериб айтаманки, Муҳаммад (с.а.в.) Унинг бандаси ва расулидир». Бир неча дақиқадан сўнг аёлим ҳам шаҳодат келтирди. Унинг шаҳодатини энди уч гувоҳ эшитди – аввалги икки гувоҳга мен ҳам қўшилган эдим.

Кейинроқ бир неча ойлик иккиланишлардан сўнг отам ҳам Исломни қабул қилди. Пировардида отам мен ва бошқа мусулмонлар қатори масжидга қатнай бошладим.

Биз болаларимизни насронийлар мактабидан чиқариб олиб, мусулмонлар мактабига жойладик. Ҳозир бу воқеалар бўлиб ўтганига ўн йилдан ошган бўлса, фарзандларимиз Қуръондан анча суралар ёд олишган ва Ислом асосларини яхши билишади.

Исломни оиламиздан охириги бўлиб ўгай онам қабул қилди. У ҳақиқатдан ҳам Исо (алайҳиссалом) Худонинг ўғли бўлиши мумкин эмас, балки улуг пайғамбарлардандир, Худо эмас, деб тан олди.

Бутун бир насроний оила, қолаверса католик руҳонийи Исломни қабул қилгани воқеаси биринчи қарашда ишонарсизга ўхшаб туюлар? Аммо Аллоҳ ўта қудратли ва меҳрибон Зот, У бизга ҳақ йўлни, ҳидоят йўлини кўрсатиб қўйди. Аллоҳ барчамизни яхшилик билан мукофотласин!

## Сайид Мубашширхон ТАРОЗИЙ

Барча махлуқотни ва мавжудотни яратган Холиқнинг борлигини сезиш ақлли инсонга, унинг табиати ва инсоний сезгисигагина эмас, балки ақлсиз катта (фил) ёки кичик (қурт) ҳайвонларга ҳам хослигини таъкидламоқчимиз. Бу ҳолат руҳи бор ҳайвонот оламигагина эмас, балки руҳсиз дарахтлару набототларни, тошлару жамодотларни ҳам ўз ичига олади. Ақлли-ақлсиз, руҳли-руҳсиз, хуллас, бу борлиқдаги ҳар бир нарса ўзининг махлуқ эканини, уни яратган Холиқ бор эканини сезади, Унга ҳамд айтади, сажда қилади.

Аллоҳ таоло буларни ушбу оятларда ифодалаган:


«Етти осмон, Ер ва улардаги бор жонзот (Аллоҳни) поклар. Мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан У зотни поклар. Лекин сизлар (эй инсонлар), уларнинг тасбеҳ айтишларини – поклашларини англамасизлар. Дарҳақиқат, У ҳалийм ва мағфиратли Зотдир» (**Ал-Исро, 44**).

«Ахир улар Аллоҳ яратган барча нарсаларнинг соялари ўнгу сўлларига, Аллоҳга сажда қилаётган ҳолда эгилаётганини – улар (барчаси) Аллоҳга бўйсунувчи эканларини кўрмадиларми?! Осмонлар ва Ердаги барча жониворлар

борлиқни ўрганиш билан ва мушоҳада қилиш билан кундан-кунга ўсиб боради. инсонда Аллоҳни тушуниш, унинг сифатларни тасаввур қилиш бошқа жонзотларга қараганда зиёда бўлади. Албатта, ҳамма инсонларда илм даражаси ҳам ҳар хил бўлади). Барча махлуқотлар ўзларини яратган, йўқдан бор қилган Зот борлигини сезадилар, Унга бўйин эгадилар, Унга талпинадилар. Биз шунини таъкидламоқчи эдик, холос. «Бунга фақат олимларнинг ақли етади».

«Мажолисус-Синония» китобида ибратли бир ҳикоя келтирилган. Мусо алайҳиссалом Парвардигорга Тур тоғида муножот қилиб турганларида, аҳли аёлларига ун ва бошқа керакли нарсалар олиб беришни унутганлари хаёлларидан ўтибди. Шунда барча ғайбларни билувчи Аллоҳ ўз пайғамбарининг хаёлидан ўтган нарса учун унга танбеҳ беришни, ғафлати ва хатосини эслатишни истади. Ҳабиблар ўз ҳабиблари хато қилганида шундай йўл тутади.

Аллоҳ таоло «Эй Мусо, асоинг билан мана шу тошни ур», дея амр қилди. Мусо шундай қилган эди, тош ичидан ундан кўра кичикроқ тош чиқди. Кейин яна «ур», деган амр бўлди.



# МАХЛУҚ ХОЛИҚНИНГ МАВЖУДЛИГИНИ СЕЗАДИ

ва фаришталар ҳам кибр-ҳаво қилмаган ҳолларида ёлғиз Аллоҳга сажда қилурлар. Улар устларидаги (уларни кузатиб турган) Парвардигорларидан кўрқурлар ва фақат ўзларига амр этилган ишларнигина қилурлар» (**Наҳл, 48-50**).

«Момақалдиروق ҳам У зотга (Аллоҳга) ҳамду сано билан тасбеҳ айтур. Фаришталар ҳам У зотдан кўрққанлари сабабли (тасбеҳ айтурлар). У зот чақмоқлар юбориб, улар билан ўзи хоҳлаган кимсаларни улар Аллоҳ хусусида таллашиб-тортишиб турган ҳолларида урар. У (ушлаган вақтида) қаттиқ ушловчи Зотдир.» (**Раъд, 13**).

«Осмонлару Ердаги барча жонзот ва уларнинг соялари хоҳ истасинлар, хоҳ истамасинлар, эртаю кеч фақат Аллоҳга сажда қиладилар - бўйсундилар» (**Раъд, 15**).

«(Эй Муҳаммад), Аллоҳга осмонлар ва Ердаги барча жонзот ҳам, (самода) саф тортган қушлар ҳам тасбеҳ айтиб-поклашини кўрмадингизми? Аниқки, (Аллоҳ) барчанинг дуою тасбеҳини қилиб турур. Аллоҳ уларнинг қилаётган (барча) ишларини билувчидир» (**Нур, 41**).

«(Эй Муҳаммад), сиз осмонлардаги ва Ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дов-дарахтлар ва жониворлар ҳамда кўпдан-кўп инсонлар (ёлғиз) Аллоҳга сажда қилишини кўрмадингизми? (**Ҳаж, 18**).

Шу жойда эътироф қилишимиз лозимки, албатта, инсоннинг сезгиси ва илми билан ҳайвоннинг чегараланган сезгиси ўртасида, шунингдек, наботот ва жамодотларнинг сезгиси ўртасида катта фарқ бордир. (Инсоний сезги ва илм

У киши урдилар. Тош ёрилиб, ичидан яшил рангдаги емиш тишлаб олган кўрт чиқди. Кўрт дона-дона қилиб: «Мени кўрадиган, таомлантирадиган ва унутмайдиган Зот покдир», дея гапира бошлади.

Талабалик йилларимда отам раҳматуллоҳи алайҳнинг муридлари истиқомат қиладиган қишлоқларга дам олиш учун чиқишга одатланган эдим. Дам олиш билан бирга, Аллоҳнинг махлуқотлари билан яқиндан танишиб, улардан ибрат олишга ҳаракат қилар эдим. Мушоҳадаларим натижасида менга ажойиб ибрат берган, энг кўп руҳий лаззат бағишлаган нарса тупроқ рангидаги, бошида тожи бор «сўфитўрғай» деган қуш эди. Бу қуш хас-чўплардан ясалган уяси олдида туриб «ё» қофияли сўзларни такрорлар эди. Кейин эса секин-секин осмонга кўндалангига қараб юксаларди. Шу ҳолда кўтарилиб бориб, ҳавода муаллақ туриб олар, «ё»ли сўзларни ҳамма эшитадиган қилиб такрорлар эди. Унинг бу ҳолини атрофдаги барча одам кўрар ва овозини эшитар эди. Сўнгра қуш қандай кўтарилган бўлса, шундайича – аста-секин пастга қайтиб тушар эди. Пастлар экан, қулоқларда жаранги, қалбларда оҳанги қоладиган сўзларини яна такрорлар эди. Шу тарзда ўз уясига келиб кўнар эди. Аллоҳга қасамки, мана эллик йилдан ошди, ёшим етмишга етди, аммо ўша қушнинг осмонга парвоз қилиб, сўнг уясига қўниб қилган «хиргойилари» худди бугунгидек эсимда турибди.

Мен ҳам, бошқалар ҳам ўша қуш Парвардигорини зикр этиб, тасбеҳ айтаётганига ҳеч шубҳа қилмас эдик.



Шунинг учун ҳам бу қушни қадим замонлардан бери «сўфитўрғай» деб аташади. Мен у қушнинг тепага кўтарилиб пастга тушишига қанча вақт кетишини аниқлашга уриниб кўрдим, йигирма дақиқача экан. Бу қуш сахро уфқида ҳар куни икки марта – эрталаб тонг отганидан қуёш ботганига қадар, кечқурун қуёш ботишидан қоронғу тушгунига қадар пайдо бўлар эди. Бу ҳолат Аллоҳ таолонинг: «(Эй Мухаммад), Аллоҳга осмонлару Ердаги бор жонзот ҳам, (самода) саф тортган қушлар ҳам тасбеҳ айтиб-поклашини кўрмадингизми?» (Нур, 41) ҳамда «Осмону фалақда (учиш учун) бўйинсундирилган қушларга боқмайдиларми? Уларни Аллоҳ ушлаб турибди-ку! Албатта бу ишда иймон келтирган қавм учун оят-ибратлар бордир» (Наҳл, 79) оятларини эслатар эди.

Фарзандларимдан бири 1966 йил 14 июл куни бир тўтиқуш сотиб олди. Бу қушни Занжибардан келтиришган экан. Олти ойлик умри бор эди. Сўзларни билмас, аммо сайрар ва сўз ўрганишга тайёр экани билиниб турар эди. Мен унга «Аллоҳ, Аллоҳ, Аллоҳ» сўзларини ўргата бошладим. Бир неча кундан сўнг у «Аллоҳ» сўзини бемалол айтадиган бўлди. Кейин «Эй бола, Аллоҳ мавжуд» дейишни ўргатдим. Бу билан худосизларга танбеҳни ирода қилган эдим. Ҳар куни эрталаб ва кечқурун тўти бу гапни такрорлар эди. Бора-бора у аниқ талаффуз билан: «Аллоҳ, Аллоҳ, Аллоҳ» дейдиган, кейин худосизга қараб «Эй бола, Аллоҳ мавжуд» дейдиган бўлди.

Тўти ҳозир ҳам болалар ҳузурида сўз ўрганмоқда. «Аллоҳ» сўзини ҳар куни маълум вақтларда, хусусан бомдод намозидан сўнг мароқ билан такрорлайди. Бу эса унинг яратган Ҳолиқнинг борлигини сезишидандир.

Ўргатса айтаверади-да, дейишлари мумкин. У ҳолда уни

ким яратди, ким сўз ўрганиш ва нутқ қилиш қобилиятини берди? Ҳамма нарсани яратган ва ҳаммага нутқ ўргатган Аллоҳ таоло уни ҳам яратди ва унга ҳам нутқ берди. Азиз ўқувчи! Шоядки мазкур мисоллар билан Ислоннинг асослари ва таълимотлари, Аллоҳни таниш ва Уни билиш инсоннинг табиий ва соғлом ақлига мос, деган назариямизни асослаган бўлсак.


Яратган Ҳолиқнинг ягоналиги, яъни ёлғиз илоҳ экани (шериги йўқлиги) ҳақиқати ҳам башарият табиатига мос келади. Аини пайтда, бу соғлом ақл қабул қиладиган бир ҳақиқатдир. Менимча, бу даввони исботлаш учун тортишувга ҳожат йўқ. Қалбни озгина тафаккур орқали қаноатлантириш мумкин. Инсон яхши билади-ки, ҳар юртнинг битта подшоҳи, битта каттаси бор. У шу юртга тааллуқли ишларни идора қилади, ҳукм юритади. Дунёнинг ҳеч бир жойида, бир юртда бир хил мансаб, ҳукм, фикр, ирода ва тадбирга эга иккита подшоҳ бўлганини ҳеч ким эшитмаган ҳам, кўрмаган ҳам.

Шунингдек, эски ва янги тарихда бу маънодаги бирорта ривоятни ҳам тополмайсиз. Агар бирор мамлакатда шундай нарса содир бўлибди, деб фараз қилсак, у ҳолда икки ҳоким томонидан бошқарилган бу юртда улар орасидаги фикрий келишмовчиликлар туфайли битмас-туганмас ихтилофлар ва жанжаллар келиб чиқади. Демак, инсон ўз табиати ва соғлом ақли билан ҳам (осмондан тушган ваҳий ва пайғамбарлар таълимотисиз ҳам) бу дунёда бир неча илоҳ бўлиши мумкин эмаслигини тушуниб етади. Дунёда бузғунчиликлар, келишмовчиликлар бўлмаслиги учун осмонлару Ернинг шериксиз, ягона Илоҳи бўлиши зарур.

Ёшлигимда форсча ахлоқий китоблардан бирида «Мушрик ва деҳқон» деган ҳикояни ўқиган эдим. Унинг маъноси кўйидагича: «Бир мушрик мусулмон уламолари кўп бўлган исломий мамлакатга «Ла илаҳа иллаллоҳ» ақидасига қарши туриш учун тортишувга борибди. У ўзининг ботил мазҳабидан ташқари, мунозара илми олими сифатида ном чиқарган экан. Тавҳид ақидасига қарши ширк ақидасини қўйиб, мунозара қилмоқчи экан. Мушрик ўзи кўзлаган мамлакатнинг чегарасига яқинлашганида қўлида кетмони билан экинзорда ишлаб юрган деҳқонни учратибди. У деҳқоннинг Аллоҳ ҳақидаги фикрини билмоқчи бўлиб, ўша томонга бурилибди. Деҳқон уни яхши кутиб олиб, ўтиргани жой кўрсатибди. Ишини тўхтатиб, ўзи ҳам унинг ёнига ўтирибди. Деҳқон меҳмоннинг мушриклигини ва нияти ёмонлигини билмас экан. Мушрик мақсадини амалга ошироқчи бўлиб сўз бошлабди: «Сен Худони ягона, деб эътиқод қиласанми?» дея сўрабди у деҳқондан. Деҳқон: «Ашҳаду алла илаҳа иллаллоҳ, ашҳаду анна Мухаммаддан ʼабдуҳу ва расулуҳ», деб жавоб берибди. Мушрик: «Бундай эътиқодингга далилинг борми?» дея сўрабди. Деҳқон содда қилиб: «Далилга ҳожат йўқ, юртнинг подшоҳи битта», дебди. Мушрик: «Ҳузурингга бир мушрик келиб, тавҳид ақиданг ҳақида сен билан мунозара қилсаю, бу гапларингга қаноат ҳосил қилмай, далил келтиришингни талаб этса, нима қилардинг?» деб сўрабди. Шунда деҳқон шижоат билан: «Мана шу кетмон билан бир уриб, бошини иккига бўлиб қўяман», дебди. Кофир лол бўлиб, жим қолибди ва ичида «Буларнинг деҳқони шунчалик бўлса, уламолари қандай экан», дея шоша-пиша орқага қайтишга қарор қилибди.

Менимча, саводсиз оддий деҳқондаги бу ишонч, унинг инсоний соф табиати ва соғлом ақли тўғри тафаккуридан келиб чиққандир. Бу эса, ўз навбатида Қуръон оятларига мос келади: «Агар (осмону заминда) Аллоҳдан ўзга худолар бўлганида, ҳар иккиси бузилиб кетар эди. Бас, Арш эгаси бўлмиш Аллоҳ улар сифатлаётган (шериклардан) покдир» (Анбиё, 22).

**(Нашрга тайёрланаётган  
«Ислонга марҳабо!» китобидан)**



# МАКРУҲ АМАЛЛАР

141. Ёш болаларга бир нарса беришни ваъда қилиб алдаш.
142. Ҳайвонни ўтмас пичоқ билан сўйиш.
143. Ҳайвонни кечаси сўйиш ёки овлаш.
144. Ҳайвонни ётқизиб қўйиб пичоқ қайраш.
145. Пичоқни сўйиладиган Ҳайвонга кўрсатиб қайраш.
146. Ҳайвонни сўйганда, томоғидан то орқа бўйинигача кесиш.
147. Ҳайвонни сўйганда бошини кесиб устига олиб қўйиш.
148. Ҳайвоннинг ёш боласини сотиб ёки сўйиб онасидан айириш.
149. Ҳайвонни орқа бўйин томонидан сўйиш.
150. Сўйилган Ҳайвоннинг жони чиқмай туриб терисини шилиш.
151. Ҳайвонни қибладан бошқа тарафга қаратиб сўйиш.
152. Туғиш вақти яқинлашган Ҳайвонни сўйиш.
153. Жуда ёш қўзи ва бузоқларни сўйиш.
154. Яхши кайфият билан вақт ўтказиш учун ов қилиш.
155. Туяни томоғига яқин жойидан сўйиш.
156. Туядан бошқа Ҳайвонларнинг кўкрагига яқин жойидан сўйиш.
157. Ҳайвоннинг қулоғини, бурнини ёки шохини кесиб ёки танасини кўйдириб, тамға уриш.
158. Қудрати бўлатуриб, сабабсиз уйланмай юриш.
159. Хотинини сабабсиз талоқ қилиш.
160. Дўстидан сабабсиз айрилиб кетиш.
161. Ҳаром ишларнинг адо этилаётганини жим туриб томоша қилиш.
162. Фосиқ ва гуноҳкор кишилар билан заруратсиз бирга ўтириш.
163. Ҳаром ишлар қилинадиган жойларда юриб тўхмат орттириш.
164. Йўлда ётган нарсани эгасини излашдан эриниб, олмай кетиш.
165. Молининг ҳалоллигига шубҳа бўлган кишининг дастурхонидан таом ейиш.
166. Ҳалоллиги шубҳали бўлган уйда ўтириш.
167. Ҳалоллиги шубҳали бўлган кийимларни кийиш.
168. Ҳалоллиги шубҳали бўлган моллар билан савдо қилиш.
169. Тонг отганидан қуёш чиққунича, аср билан шом ўртасида ва шом билан хуфтон ўртасида ухлаш.
170. Юзтубан ётиб ухлаш.
171. Оёқларини қиблага қаратиб ётиш.
172. Бошининг остига диний китобларни қўйиб ётиш.
173. Фарзандларининг биридан иккинчисини ортиқ кўриш (аммо дарс ўқиётгани ёки итоатлироқ бўлгани учун бошқаларга ибрат бўлсин деб ортиқ кўрса бўлади).
174. Қози ва ҳокимларнинг сўроқ қилинувчиларга ҳар хил муомала қилиши.
175. Бировнинг уйига рухсатсиз кириш.
176. Уй юмушларини бажаришга эриниш.
177. Бойларга таъзим қилиш.
178. Озиқ-овқат маҳсулотларининг нархини кўтариш ва нарх-навонинг кўтарилишини кутиб, уйда сақлаб қўйиш.
179. Шаҳарга келтирилаётган молларни қиммат нархда сотиш учун йўл устида харид қилиб олиш.
180. Бирон нарсани идиши билан ўлчаб, идиш оғирлигини ҳам танига қўшиб пуллаш.
181. Харидорни алдаш учун мол баҳосини кўтариш.
182. Сотиб олинган молни эгаси қайтариб олмоқчи бўлса, устига устама нарх қўйиш.
183. Харидор сотиб олган молдан афсусланиб қайтариб олиб келганида, нархини пасайтириб олиш.
184. Бир сотувчи харидорга молини кўрсатаётганида иккинчи сотувчи ўз моли билан ўртага текилиши.
185. Харидор бир молнинг баҳосига келишиб турганида, иккинчи киши ортиқроқ баҳо бериши.
186. Биров совчи юборган қизга (билатуриб) иккинчи кишининг совчи қўйиши.
187. Мол олди-сотдисида савдога алоқаси бўлмаган бирор шартни ўртага ташлаш.
188. Соғин молнинг нархини ошириш учун бир-икки кун соғмай бозорга олиб чиқиш.
189. Закот ва ушр учун молнинг ёмонроғини бериш.
190. Диний йиғинларда Қуръон тиловат қилиш ва ваъз айтиш учун савдолашиш.
191. Ўзига зарари етадиган ишларда ортиқча қўрқоқлик қилиш.
192. Кучи етмас ишга жаҳл билан киришиш.
193. Таги бўш гапларга ишониб, турли нарсалардан ҳавотирланиш.
194. Ўз ақли билан иш қилмай, бировларнинг гапига ишонган ҳолда иш қилиш.
195. Одамлар орасида уялмай жирканч ва ифлос ишларни қилиш.
196. Ҳалол неъматлардан фойдаланмай ўзини маҳрум қилиш.

197. Қўлидан келмаган ишларга даъво қилиш.  
 198. Хижолатга қўйиш учун масала сўраш.  
 199. Биров олдида икки кишининг сирли сўзлашишлари.  
 200. Бировнинг янглиш ва хато иши устидан кулиш.  
 201. Икки киши сўзлашаётган пайтда сўзларини бўлиш.  
 202. Улуғлар олдида кўп ва қаттиқ кулиш.  
 203. Бир киши сўзини тугатмай туриб, иккинчи кишининг сўзлаб юбориши.  
 204. Улуғлар олдида тушиб юриш.  
 205. Хизмат ҳақини тайин қилмай кишига хизмат буюриш.  
 206. Қўлида пули ёки моли бўлатуриб, олган қарзини бермаслик.  
 207. Қарздор кишининг қўлидаги сармоядан қарзини тўлашга мажбур қилиш.  
 208. Мақтаниш учунгина мол-дунё йиғиш.  
 209. Уйларни ўта баланд қуриш.  
 210. Уйни одатдан ташқари безаш.  
 211. Фалон мақсадимга эришсам, фалон иш қилурман, деган назр-ниёзларни кўп қилиш.  
 212. Қўнғилни шафқатсизликка ўргатиш.  
 213. Ўликни яқиндаги қабристонга кўтариб боришдан эриниб, аравага ёки машинага ортиш.  
 214. Жаноза намозини масжид ичида ўқиш.  
 215. Қабристонда ўликни ерга қўймай туриб ўтириб олиш.  
 216. Лаҳадни пишиқ ғишт ёки ёғоч билан беркитиш.  
 217. Заруратсиз икки ўликни бир қабрга кўмиш.  
 218. Ўлик ва тобут ёнида қулиб сўзлашиш.  
 219. Ўликни, узрсиз, шомдан кейин кўмиш.  
 220. Азани уч кундан ортиқ тутиш.  
 221. Аёлларнинг тобут ортидан эргашиб боришлари.  
 222. Қабр устида ва ёнида намоз ўқиш.  
 223. Аёл кишиларнинг қабристонларни зиёрат қилишлари.  
 224. Қабр устига тунда чироқ ёқиб қўйиш.  
 225. Қабрларни босиш ва устига ўтириш.  
 226. Қабрлар устида унган ўсимлик ва меваларни олиш.  
 227. Қабрлар устига гумбаз ва сағаналар қуриш.  
 228. Ўлик ёнида овқатланиш.  
 229. Қабрлар ёнида овқатланиш.  
 230. Қиблага ва диний китобларга қараб оёғини узатиб ўтириш.  
 231. Одамларга қараб оёғини узатиб юбориш.  
 232. Яхши сўзлар ёзилган қоғозларни хўрлаш.  
 233. Тўхтаб турган от устидан тушмай туриш.  
 234. Сафардан уйга қайтганда кечаси бемаҳал, ярим тунда кириб келиш.  
 235. Сайрашидан хушланиш учун қафасда қуш асраш.  
 236. Ҳаром ишга сарф қиладиган кишига пул садақа қилиш.  
 237. Эҳсон қилиб берган нарсасини қайтариб олиш.  
 238. Шариатда кўрсатилмаган афсун (жоду) дуоларини одамга ёки бошқа нарсаларга ўқиб дам солиш.  
 239. Турли туморлар тақиб юриш.  
 240. Зарур бўлмаган пайтда аёллар овозини тинглаш.  
 241. Зарур бўлмаганда номаҳрам аёллар билан сўзлашиш.  
 242. Ўзи ёш бўлатуриб қари ёки туғмайдиган хотинга уйланиш.  
 243. Қиз болани қари кишига ёки ўта хунук кишига эрга бериш.  
 244. Заруратсиз ҳаром нарсалар билан даволаниш.  
 245. Балоғатга етган қизни унинг ўзи хоҳлаган кишига бермай сақлаб туриш.  
 246. Беморни овқатланишга зўрлаш.  
 247. Меҳмонни қистаб ва зўрлаб овқатлантириш.  
 248. Бало ва мусибатлар тўфайли замонани, фалакни сўкиш.  
 249. Болага маъносиз ёки хунук исмлар қўйиш.  
 250. Болага баландпарвоз исм қўйиш.  
 251. "Муҳаммад" исмли кишини Пайғамбаримизга (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) ўхшатиб "Абул Қосим" деб чақирриш.  
 252. Шаъбон ойининг ўттизинчи (шак) куни рўза тутиш (илмли кишилар бундан мустасно).  
 253. Ҳаж ойлари кирмай туриб, ҳаж нияти билан эҳромга кириш.  
 254. Душман бўлиб қолиш эҳтимоли бўлган кишиларга амри маъруф ва наҳйи мункар қилиш.  
 255. Қуёш чиқмай туриб савдо-сотикни бошлаш.  
 256. Сўйгандан кейин ичидаги нажосатлари ажратиб ташламай туриб ўша гўшдан истеъмол қилиш.  
 257. Нажосат ейдиган ҳайвонларнинг сутини ёки гўштини истеъмол қилиш (Гўшти ейиладиган моллар нажосат еб қўйса, туяни қирқ кун, қорамолни ўттиз кун, қўй-эчкини етти кун ва товукни уч кун фақат пок овқат билан боқиб, сўнг сўйилади).  
 258. Меҳмонни сийлайман деб ейилмайдиган ортиқча таомлар тайёрлаш.  
 259. Ҳайвонни урчитиш учун эркак ҳайвонни ҳақ эвазига бериб туриш.  
 260. Тирик ҳайвонга гўшт алмаштириш.  
 261. Донни донга ўлчамай алмаштириш.  
 262. Керагидан ортиқча сувни бировга пуллаш.  
 263. Сабабсиз равишда эрдан талоқ талаб қилиш.  
 264. Совға ва ҳадяни ортиғи билан қайтариб олиш ниятида бериш.  
 265. Каптарвозлик, беданавозлик, хўроз, қўчқор уриштириш каби ишлар билан шуғулланиш.  
 266. Ўтирган кишини турғизиб, ўрнига ўтириб олиш.  
 267. Ўтирган кишиларнинг орасига суқилиб кириб ўтириш.  
 268. Икки аёлнинг орасини ёриб ўтиш.  
 269. Икки эр кишининг орасидан ўтиш.  
 270. Аёл эр кишининг олдини кесиб ўтиши.  
 271. Қабр устига ўликни мақтаб ёзувлар битиб қўйиш.  
 272. Бировнинг ҳақи аралашиб қолиш эҳтимоли бўлган касбда ишлаш.  
 273. Одамларнинг мақтовига учиш.  
 274. Кишини ҳазиллашиб мақташ (аммо алдаш учун мақташ ҳаромдир).  
 275. Ўзини-ўзи мақташ.  
 276. Бирон ишни бировнинг зиддига қилиш.  
 277. Мусибатзада кишига ўша мусибатларни эслатиш.  
 278. Қиз фарзанд кўргани учун хафа бўлиш.  
 279. Бемор олдида ясан-тусан қилиб кириш.  
 280. Беморни, дардинг оғир, деб қайғуга солиш.  
 281. Беморни кўп гапга солиш ва ёнида узоқ ўтириш.  
 282. Қарчиғайни овга ўргатганда тирик қушни тутдириб қийнаш.  
 283. Иш билан машғул одам олдида кўп келиш ва кўп сўзлашиш.  
 284. Ҳайвон овлашни касб қилиб олиш.  
 285. Суннат амаллардан бирини тарк этиш.  
 286. Ибодатлар ичидаги макруҳ ва муфсид саналган ишларни қилиш.

# ЭНГ АЧЧИҚ НЕЪМАТ

(ФАЛСАФИЙ ҚИССАДАН БОБЛАР)

## ЗИЁЛИНИНГ ҲАҚИ



Инсоннинг табиати қизиқ экан. Бир хиллик тезда жонига тегиб қолади. Гоҳида уйнинг жиҳозларини алмаштиришга тушади, кеча ёққан кийими бугун дидига ўтирмай қолади, бир хил овқат меъдасига тегади. Ана шу турмуш икир-чикирларидан аста-секин ўзи яшаб турган макони ёки ҳаёт тарзини ўзгартиришга ўтиб қолади. Ишини ёки машғулотини ўзгартиради. Дўстларини алмаштиради. Юртини бошқа қилгиси келади. Булардан сўнг ҳатто жамиятни ўзгартиришга ҳам кўчади. Инқилоблар ана шундай пайдо бўлади.

Бир гуруҳ одамларнинг тахт, ҳокимият илинжидаги, ўз манфаат ва интилишларини қондиришга мўлжалланган инқилоби қандай чиройли сўзлар билан, ялтироқ қоғозлар билан ўраб-чирмалмасин, миллионлаб одамларнинг осуда, бир маромдаги ҳаётини остин-устун қилиб юборади. Кечаги қадриятларни бугун йўққа чиқаради. Қийинчилик ва қурбонлар эвазига янги тартибларни жорий этишга ҳаракат қилади.

Зиёли инқилобдан олдинги ҳаётни элас-элас эслайди. Бойкамбағал деган гаплар бўлгучи эди. Бироқ инқилобдан кейинги шўролар давридагидай зикна ва очкўз бойларнию ночор ва ғариб камбағалларни кам учратган. Мартаба зинапояларининг

энг куйида турувчи чоракорнинг ҳаёти шўро давридаги баъзи деҳқоннинг ҳаётидан тузукроқ эди, шекилли. Чунки чоракор ўз номи билан ўзи етиштирган ҳосилнинг чорак қисмига эга бўларди, хоҳласа, сотарди, хоҳласа, ўзи еярди.

Халқ ўтмишда саводсиз ўтган, деган гапларни эшитса, ҳозир ҳам тепа сочи тикка бўлиб кетади. Минг-минг мадрасаю мактабларда халқнинг боласи ўқимай, меҳмонлар келиб, таҳсил кўрибдими? Ўтмишдаги алломалар, фозиллар, шоирлар даражасида нега ҳозир даҳолар чиқмаяпти? Дадаси айтарди: “Ислом оламига устун бўлиб турган олти олимнинг беш нафари бизнинг Туркистондан. Бу юртнинг ерини қаттиқроқ тепиб ҳам бўлмайди, ўғлим”. Қани энди улар?

Ўшандоқ буюк алломаларни берган халқ ўзга юртда бўлган инқилобга эргашиб қай аҳволга тушди? Икки бора ёзувини ўзгартирди. Ўтмиш авлодлар қолдирган бебаҳо меросларни талон-тарож қилди. Қолганларига тиши ўтмай, хоналарга кулфлаб, эшик тагига пойлоқчилар қўйдирди.

Ҳанимларнинг ҳийлаю найрангларига лаққа учиб, ўзининг энг иқтидорли фарзандларини душманга чиқарди. Бирини қаматди, бирини оттирди, бирини соясидан ҳам ҳуркадиган,

йўтал эшитса, чўчийдиган қилиб қўйди. Пихи қайрилган, юзида табассуму, қўйнида оғу яширган маккор устозларнинг алдовига учиб, замини қўйнидаги барча бойликларини совурди. Яхши кўриниш учун уммонларини қуритиб, боғ-роғларини пайҳон қилиб, пахта экди. Эвазига бир ҳовуч танга олса ҳам, қуллуқ қилди, ялтоқланди, миннатдор бўлди. Ана шу мўлтонилиги эвазига узоқ вақт зулм, истибдод, хўрлик ва зорлик азобини чекишга мажбур бўлди.

Бир вақтлар хотини шаънига айтилган бир оғиз шалоқ сўз учун кечгача бўғишган ва пичоқлашган чапани халқнинг айрим авлодлари бугун аҳли-аёлини кўчага, бозорга ҳайдаб, хотиржам уйқуга кетадиган ҳамиятсиз, даюс бўлиб қолди. Бир замонлар бир дона товук ўғирлаган кишини тошбўрон қилган халқ бугун юртига, тилига, динига, тарихига чанг солаётган босқинчиларга лом-мим демайдиган бўлиб қолди.

Шуниинг учун Зиёли ҳаётини ўзгартирамиз, турмушни яхшилаемиз, деб елиб-югурганларга кўпда хайрихоҳ бўлавермайди. Чунки ана шундай кишиларнинг ўндан тўққизи бирор манфаат йўлида, амал ёки мартаба учун жон куйдираётганини ички бир туйғу билан сезиб туради. Халқ бахти учун чинакамига жон фидо қилувчи, эвазига ҳеч қандай илинжи, тамаъи бўлмаган битта-яримтаси чиқиб қолса, энг аввало, халқнинг ўзи бадном қилади, ўндан юз ўгиради. Чунки у кўпчиликка ўхшамайди, омадан ажралиб туради-да! Оломондан фарқлансанг, сени албатта четга суриб ташлайди. Жоҳиллар жамоасининг қонуниятини шундай!

Зиёли шу қисқагина, саксон йилдан ошиқроқ фурсат ичида кимларни кўрмади, кимлар билан рўбарў бўлиб, мулоқот қилмади. Қанчалаб чақалоқларнинг туғилганигаю қанчалаб одамларнинг омонатини топшириб, ер остига кирганига гувоҳ бўлмади. Аммо "ҳаёт ва ўлим" деган тушунчаларнинг тагига етолмади, сирини очолмади.

Мана, кимдир ўзига ато этилган умрни Аллоҳ буюрганидай яшаб ўтди. Ўзи яхши тарбия олди. Болаларини ҳам солиҳ инсонлар қилиб тарбиялади. Аллоҳнинг буюрганларини сўзсиз бажарди. Эртанги кундан, охиратидаги ажр-мукофотларидан умидвор бўлиб яшади. Ҳалол касб билан ризқ излади. Ибодатини канда қилмади. Ўзганин ҳаққини емади. Хушахлоқ бўлди. Ҳар бир кун учун, эришган ҳар бир нарсаси учун, ризқ ва неъматлар учун Аллоҳга тинмай шукрона айтди. У охиратидан ва оқибатидан хотиржам жон таслим қилади. Чунки Аллоҳнинг бу дунёдаги имтиҳонидан яхши ўтганига, ҳаётини

солиҳ амаллар билан беаганига ишониб яшади ва ишониб фоний дунё билан видалашмоқда.

Яна шундай одам бор: умрини гуноҳ, фаҳш ишлар билан бесамар ўтказган. Аллоҳни, Унинг буюрганларини унутган. Ибодатни тарк этган. Ҳаётини залолатда ўтказган. Умрининг ниҳоясида ҳам тавба-тазарру ҳақида ўйламайди. Ўзини оғир жазо, аламли азоблар кутаётганини англаб етганида ҳам кўзи очилмайди. Аллоҳга исён қилаверади. Унинг солиҳ бандаларини кўролмади. Аламидан улардан ўч олишга тиришади. У «Ўлиб кетсам, танам тупроққа қоришиб, йўқ бўлиб кетади, ҳисоб-китобдан қутулиб қоламан», дея ўзини қанчалар овутомасин, барибир Яратганининг жазосидан омонда қолмайди.

Зиёли кейинги йигирма йил ичида ўлимни жуда кўп эслайдиган бўлиб қолди. Кунига юз марталаб ўлим билан юзма-юз бўлади. Вужуди титраб-қақшаб, «минг ўлиб, минг тиралади».

Ўлим ҳақлигини фақат Зиёли эмас, ҳамма билади. Ундан на яхши, на ёмон, на олим, на жоҳил, на пайғамбар, на уммат, на бой, на камбағал, на ҳукмдор, на фуқаро, на диндор, на даҳрий, на катта, на кичик, на соғ, на бемор, на бақувват, на нимжон, хуллас, ҳеч ким қочиб қутула олмаган. Аллоҳ: «Ҳар бир жон (нафс эгаси) ўлим шарбатини тотгувчидир», деб ваъда қилган. Одамзод қандай ҳийла қилмасин, қаерга беркинмасин, оҳ-фарёдлар чекмасин, ажал фариштасининг қўлидан қочиб қутулолмайди. Чунки Парвардигорнинг амри шу, ҳукми шу!

Ҳатто Пайғамбар алайҳиссаломдай Аллоҳнинг суюкли ҳабиби ва расули ҳам ўлимни кўп эслаган эканлар. Зиёли Расулуллоҳнинг шундай деганларини ўқиган эди: «Аллоҳга қасамед этаманки, кўзларимни очсам, ўлим кўринади, юмганимда ҳам ўлим кўринади ёки оғзимга бир луқма олсам, бўғзимда қолади. Эй одам фарзандлари, ҳайратланманг. Аллоҳга қасамки, ўлим муқаррар келади».

Зиёли ўлимни кўпдан буён кутади. Ҳар оқшом уйқуга ётиш олдида калимасини келтиради. Гуноҳлари мағфиратини сўраб, Аллоҳга узоқ ёлборади. Кейин «Мабодо ўлим қолсам, ғассол қийналмасин», деган ҳаёлда оёқларини бир-бирига теккизиб, борича чўзади, қўлларини ёнига қўяди. Ҳаттоки, иягимни боғлашда қўшнилари шошиб қолмасин, деб чит белбоғини тахлаб кўринарли жойга қўяди. Кафанлиги ҳам шундоққина кўрпача йиғилган тахмонда, гоҳида Зиёли уни қўлга олиб, бир-икки силкитади, чангини қоққан бўлади.

Зиёли бу дунёда қиладиганини

қилиб бўлди. Аллоҳ берган умрни ўз билганича яшаб ўтди. Савобини билмайдию, гуноҳи етарли. Аммо қанча уйқусиз тунларда Холиқиға ёлбориб, тавба-тазарру қилгани, дарё-дарё кўз ёши оқизгани эсига тушиб, қалби таскин топади. «Аллоҳим гуноҳларимни албатта кечирган», деган қатъий ишонч армонли дилига тасалли беради. Хотирини жам қилади. Ўлим кўрқуви чангдай тўзиб кетади. Қалбида ажиб бир интиқлик, интизорлик билан ўлимни кутади. Тезроқ жаноби Ҳаққа қовушмоғини ўйлаб энтикади, ҳаяжонга тушади...

Зиёли "Мана, бир ёшга улғайдик", деб бир-бирларини қутлаб юрган маҳалладошларини кўриб энсаси қотади: "Хўп, бир йилни олов қоғозни ямлаб, йўқ қилгани каби йўқотибсан. Уни не эзгу, солиҳ амал ила беадинг? Қайси ишинг билан Аллоҳнинг розилигини топдинг? Ўзингга берилган беҳисоб неъматлар, уй-жой, кийим-таомлар, ширин фарзандлар учун Хожангга шукрона айтолдингми, ҳаққини адо этолдингми?"

Йилларни-ку қўятурайлик, уйқуга ётиш олдида "Бугунги кунимни қандай ўтказдим?" деб ўзимиздан сўрашга ҳам эринамиз. Бугун эзгулик қасрига битта ғишт қўя олдикми? Ота-онамининг дуосига мушарраф бўлдикми? Битта кўнгли синиқ ғарибга тасалли беролдикми? Бир муҳтож кишининг ҳожатини чиқардикми? Фарзандимизни, яқинимизни солиҳ амалга даъват қилолдикми?"

Аммо Зиёли шунга аминки, бу саволлар кўпчиликнинг эсига ҳам келмайди. Шиддаткор ҳаётнинг пўртаналарида сузаётган одамлар бу ҳақда ўйлаб кўришга ҳам эринадилар. Онда-сонда кўзлари "яроқ" этиб очилиб қолса ҳам, дарров бу "нохуш" саволларни миядан қувишга уринадилар. Чунки ҳамма "ширин" дунёнинг лаззат-оромларига кўмилган. Гўё одамзод фоний оламда мангу яшаб қоладигандай хотиржам. Гўёки ўзига берилган неъматлар осмондан ёғилаётгандай кўнгли тўқ. Гўёки бу ҳаёт фақат мазза қилишга бериб қўйилгандай, эртасини ўйламайди.

Йўқ, намозсиз азон билан азонсиз намознинг ораси жуда яқин. Бақо дунёсидан фано оламига Тақдир камонидан отилган Ажал ўқи Одам болаларига битта-битта келиб санчиляпти. Зиёли ҳам ана шу қисматни кутиб яшяпти. Бугун ана шу ўқ уни ҳам нишонга оляпти. Гап фақат умрни қандоқ ўтказганида, амаллар сандиғини қандай "сеп" билан тўлдирганида қолди...

**Аҳмад МУҲАММАД**



доктор Морис БУКАЙ (Франция)

# ҚУРЪОН ВА ЖИНСИЙ ТАРБИЯ

Бизнинг давримизга келиб инсоният барча соҳаларда катта кашфиётларга эришди, деб ишонилади. Айниқса, жинсий тарбия соҳасида айнан бизнинг замонамизда буюк инқилоблар амалга оширилди ва шу мавзуга оид муҳим маълумотлар ёшлар билан баҳам кўрилади бошланди. Ўтган асрларда жинсий тарбия масаласига енгил қаралгани, бу мавзу уятли ҳисобланиб, умуман ташлаб қўйилгани ва ҳаммасига дин айбдор экани айтилади, аммо айнан қайси дин айбдор экани ҳақида ҳеч қанақа маълумот айтилмайди.

Лекин ўн тўрт аср аввал бу мавзуга оид маълумотлар Қуръонда тилга олинган ва инсоннинг кўпайиш жараёни босқичма-босқич ҳикоя қилиб берилган. Айниқса, анатомия ва физиология фанлари ҳали кашф этилмагандан туриб бу мавзуда беҳато фикр билдирилганининг ўзи алоҳида таҳсинга лойиқ. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, бу мавзуда гапирар экан, Қуръон оятлари ўша давр одамлари учун тушунарли бўлиши ва улар билладиган, улар тушунадиган сўзлардан фойдаланиб гап тузиши зарур ҳисобланарди.

Мавзунинг амалий томони ҳам эътибордан четда қолиб кетмаган. Қуръонда инсон кундалик ҳаёти давомида ўзини қандай тутиши ҳақида кўплаб амалий кўрсатмалар берилган бўлиб, жинсий тарбия мавзуси ҳам бундан истисно эмас.

Қуръондаги иккита оятда бевосита жинсий алоқа ҳақида сўз боради. Уларда бу мавзу эҳтиёткорлик билан ва барча нозик хусусиятлар эътиборга олинган ҳолда ҳикоя қилинган. Аммо таржимонлар ва Қуръон муфассирлари кўп ҳолларда бу оятларни нотўғри талқин қилишган. Шунинг учун ҳам битта таржима бошқасидан фарқ қилади, битта тафсиридаги фикр бошқасидагига тескари маънони ифодалайди. Мен бу оятларнинг таржимаси устида жуда кўп бош қотирдим ва ниҳоят Байрутдаги тиббиёт факултети собиқ профессори доктор А.К.Жиро (A. K. Giraud, Faculty of Medicine, Beirut) ёрдами билан бунга қисман муваффақ бўлдим. Мана ўша таржима:

«(Инсон) отилиб чиқувчи сувдан яралган. У эркак жинсий аъзоси билан аёл жинсий аъзоси бирлашишдан ҳосил бўлади» (Ториқ сураси, 6-7-оятлар)

Эркак жинсий аъзоси Қуръон матнида «сулб» сўзи (бирлик шаклда) билан, аёлнинг жинсий аъзоси эса «тароиб» сўзи (кўплик шаклда) билан ифодаланган.

Мана шу таржимани энг қониқарли таржима деб ҳисоблаш мумкин. Қуръоннинг кўплаб таржималарида, шу жумладан инглиз ва француз тилларидаги машҳур таржималарда ҳам бу оят «(Инсон) отилиб чиқувчи сувдан яралган. У (эркакнинг) бели билан (аёлнинг) кўкрак қафаси ўртасидан (отилиб чиқади)» деб таржима қилинган. Буни таржима эмас, кўпроқ изоҳ сифатида қабул қилса бўлади. Ундан бирон нарсани тушуниш қийин.

Қуръонда эркакнинг жинсий муносабат пайтида нималарга эътибор бериши кераклиги ҳам аниқ баён қилинган. Бақара сурасининг 222 ва 223-оятларида ҳайз пайтида нима қилиш ҳақида буйруқ бор. Аллоҳ Пайғамбарига шундай буйруқ беради:

«Сиздан ҳайз ҳақида сўрайдилар. Айтинг: У кўнгилсиз – нопок нарсадир. Бас, ҳайз пайтида хотинларингиздан четлангиз ва то покланмагунларича уларга яқинлашмангиз! Пок бўлганларидан кейин, уларга Аллоҳ буюрган тарафдан келингиз. Албатта Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади. Хотинларингиз сизлар учун экинзордир. Бас, экинзорларингизга хоҳлаган ҳолатингизда яқинлашавингиз ва ўзингиз учун (яхши амаллар) тақдим қилингиз» (Бақара сураси, 222-223-оятлар)

Бу парчанинг бошида жуда аниқ қилиб айтилган: эркаклар учун хотинлари билан ҳайз пайтида жинсий алоқа қилиш тақиқланяпти. Оятнинг давомида экинзорга ундан янги ҳосил олиш учун уруғ экиш ҳақида гапирляпти. Ушбу тасвирий қиёслаш орқали жинсий алоқанинг аслида нима мақсадда амалга оширилиши тушунтириляпти, яъни жинсий алоқадан мақсад фарзанд кўриш экани айтиляпти. Ушбу оятни таржима қилар экан, Р. Блашер жинсий алоқадан аввал ўз аёлига яхши муносабат кўрсатиш, уни эркалаш кераклиги ҳам айтилганига урғу бериб ўтган.

Бу оятда берилган буйруқлар умумий буйруқлар, холос. Хос мавзулар, масалан, ҳомиладан сақланиш йўллари на ушбу оятда, на бошқа бирон ўринда тилга



олинмаган. Ҳомилани олдириб ташлаш (аборт) мавзусига ҳам Қуръон бирон бир ўринда тўхталмаган. Аммо юқорида келтирилган бир қанча оятларда ҳомиланинг ривожланиш босқичлари саналар экан, «илинадиган нарса» босқичидан бошлаб ҳомила тирик жон сифатида қаралади. Тирик жонни ўлдириш Қуръонда катта жиноят деб таърифлангани учун тирик жонга тенглаштириладиган ҳомилани олдириб ташлаш ҳам Қуръон наздида жиноят эканига шубҳа йўқ. Бу қараш нафақат Ислоҳ, балки тавҳидга ишонадиган барча динлар учун умумий ҳисобланади.

Рамазон ойида тунлари жинсий алоқа қилишга ижозат берилган. Бу ҳақда Қуръонда шундай дейилади: «Сизларга рўза кечасида хотинларингизга қўшилиш ҳалол қилинди. Улар сизларнинг либосингиз, сизлар улар учун либоссиз, (яъни эр-хотин бир-бири учун худди баданнинг айбларини яшириб, уни иссиқ-совуқдан асраб, ҳарорат бағишлаб турадиган либос кабидирлар) ... Энди улар билан (рўза кечаларида ҳам бемалол) қовушингиз ва Аллоҳ сизлар учун ёзган нарсани (фарзандни) талаб қилингиз!» (Бақара сураси, 187-оят)

Аммо бунга қарама-қарши ўлароқ, ҳаж мавсумида Маккадаги ҳожиларга аёллари билан жинсий алоқа қилиш қаттиқ таъқиқланган: «Бас, ким шу ойларда (ўзига) ҳажни фарз қилса (ҳаж қилишни ният қилса), ҳаж давомида (жуфтига) яқинлашмайди, гуноҳ ишлар, жанжал-сурон қилмайди» (Бақара сураси, 197-оят)

Бу энди умумий маънодаги таъқиқ ҳисобланади, чунки ҳаж мавсумида ҳожилар учун нафақат жинсий алоқа, балки бошқа амаллар ҳам тақиқланяпти, масалан ов қилиш, жанжаллашиш ва ҳоказо...

Ҳайз масаласи Қуръонда яна талоқ ҳақида гапирилган оятда ҳам тилга олинган: «Аёлларингиз орасидаги (кексайиб қолгани сабабли) ҳайз кўришдан умид узганлари, агар сизлар (уларнинг иддалари қанча да-

вом этиши хусусида) шубҳалансангизлар, бас, (билингизки), уларнинг иддалари уч ойдир, яна (ҳали-ҳануз) ҳайз кўрмаган (аёллар)нинг (иддалари ҳам уч ойдир). Ҳомиладор (аёл)ларнинг (идда) муддатлари эса ҳомилаларини кўйишлари (яъни, кўз ёришларидир)» (Талоқ сураси, 4-оят)

Кутиш муддати (идда) талоқ эълон қилиниши билан унинг кучга кириши орасидаги вақт ҳисобланади. «Ҳайз кўришдан умид узган аёллар» учун кутиш муддати уч ой қилиб белгиланган. Бу муддат тугаганидан кейин «ҳайз кўришдан умид узган аёл» бошқа турмуш кўриши мумкин.

Ҳайз кўришга улгурмаган аёллар ҳомиладорлик даври ўтишини кутишлари керак. Ҳомиладор аёллар учун эса талоқ фақат фарзанд туққанларидан кейин кучга киради.

Бу қонданинг ҳаммаси бугунги физиологик маълумотларга тўла мос тушади. Қуръонда шунингдек бевалик масаласига оид кўрсатмалар, унинг тартиб-қоидалари ҳам аниқ кўрсатиб берилган.

Кўриниб турибдики, инсоннинг кўпайиши билан боғлиқ назарий маълумотлар ва эр-хотин орасидаги жинсий алоқа борасида амалий маслаҳатлар биз бугун билган шу мавзудаги замонавий билимлар билан асло қарама-қаршиликка киришмайди. Аксинча, бу оятлар ва улардан олинган мантиқий хулосалар замонавий билимлар билан тўла уйғунлик касб этади. Бу эса ўн беш аср олдин инсониятга нозил қилинган Қуръони карим илоҳий китоб эканига, унинг ҳукмлари қиёматгача боқий қолишига энг кучли далиллардир.

**(Нашрга тайёрланаётган "Таврот, Инжил, Қуръон ва ҳозирги илм" китобидан).**



## АФИНА УЗРА БИР НАЗАР

### ИСЛОМ ДИНИ ДУНЁДА КЕЧАЁТГАН ИҚТИСОДИЙ БУХРОНЛАР “ХАСТАЛИГИ”НИ ДАВОЛАШГА ҚОДИРДИР

Ҳозирги пайтда жаҳон оммавий ахборот воситалари (ОАВ) “Юнонистон (Греция), Европа иттифоқи, инқироз...” каби сўзлардан бўшамай қолди. Ўқувчи буларга Исломнинг нима дахли бор, деб ўйлаши мумкин. Аммо ушбу дин тамойиллари Юнонистонда жорий қилинганида нотўғри иқтисодий сиёсат оқибатларини энг паст даражага келтириши, ҳатто инқирознинг олдини олиши мумкин эди.

Юнонистонда бўлаётган норозилик намоийшлари ва тартибсизликлар ҳақида ОАВнинг деярли ҳар куни хабар бериб туриши сўнгги ойлarda одатий ҳолга айланиб қолди. Мамлакат тушиб кетган иқтисодий чоҳ ишсизликнинг кўпайиши, аҳоли даромадининг кескин камайишига сабаб бўлди. Бир қарашда нарх-наво олдингидек кўринса-да, баъзи нарсаларнинг нархлари тобора ошиб бормоқда. Мамлакатнинг олдинги пул бирлиги драхмага қайтишни ва Евро ҳудудидан (“Еврозона”дан) чиқишни истамаслик ҳукуматни оммага ёқмайдиган қарорларни қабул қилишга мажбур этди. Роҳат-фароғатга ўрганган аҳоли эса буларга кўникишни истамади. Албатта, жанубликларнинг қони анча қайноқ бўлади...

Натижада тбора халқ ғалаёнига айланиб бораётган оммавий норозиликлар пайдо бўлди. Афинадаги намоийшларга саксон минг нафардан ортиқ одам чиқди, улар кафе, кинотеатр ва ҳукумат биноларига қараб тош, ёндирувчи моддалар отишган, безорилик ва талончиликка йўл қўйишган. Баъзи жоҳиллар тарихий ёдгорликларга ҳам ўт қўйишга уриниб кўрди. Шў орада Юнонистон кўриляётган қаттиқ чора-тадбир-

ларга қарамай мамалакат инқирозга чуқурроқ ботиб бормоқда: ишсизлик даражаси йигирма фоизга етди ва бу ҳали охиригига чегарага ўхшамайди. Аҳолининг фикрича, Европа Иттифоқи тарафидан тайёрланаётган ёрдамдан кўра ҳукумат томонидан кўриляётган чоралар зарарлироқ экан. Бироқ инқироздан чиқишнинг аниқ дастури ҳеч кимда йўқ.

Аваллиги босқичларда гап фақат қаттиқ тежаш чоралари ҳақида эди, аммо Юнонистон (ва бошқа қарзга ботган мамлакатлар ҳам) ҳукумати оммага ёқмайдиган чораларни кўришни қабул қилишга рози бўлиши билан бир қаторда иқтисодий рағбатлантириш ҳақидаги бошқа гаплар ҳам чиқиб қолди. Қандай рағбатлантирилиши эса номаълум, чунки бунинг учун на маблағ ва на унинг топилишига умид бор. Бунинг устига аҳоли ҳукуматга қарши намоийшларда фаол иштирок эта бошлади. Шундай бўлса-да, Юнонистон ҳукуматининг кайфиятини ўртача десак бўлади. Юнонистон Бош вазири Лукас Пападимос вазмин ва хотиржам бўлишга чақирмоқда. Унинг айтишича, иқтисодга оид кескин чоралар бўйича қабул қилинаётган қонун лойиҳалари ислоҳот ва иқтисоднинг тикланишига асос бўлар эмиш. Лекин унинг ўзи ҳам ўз сўзларига унчалик ишонмаётган бўлса керак.

Европа Иттифоқи юзага келган вазиятдан чиқиш йўллари изламоқда. Қарздорлар ҳам кун сайин кўпайиб бормоқда. Юнонлардан кейин рўйхатда Италия ва Испания турибди, буларнинг ҳаммаси Европа иқтисодий салоҳиятининг учдан бирига тенг келиб қолади. Инқирознинг сабаби нима?

Нега бу инқироз бунчалик кенг миқёсли бўлмоқда? Яқинда Малайзия собиқ Бош вазири Европа Иттифоқи ҳолати ҳақида очикчасига: “Имкониятларингга қараб яшашни ўрганинглар” деб айтди. У бунда мутлақо ҳақ эди.

Евроҳудуд инқирози қарзларга бевосита боғлиқдир. Кўҳна қитъадаги ҳаётнинг юқори даражада бўлиши банк берадиган қарзларга (кредитларга) асосланаётган эди. Аҳолининг эҳтиёж ва талаби геометрик йўналиш бўйича ўсиб борди, аммо номаълум “Икс” вақти келди. Қарз (кредит) берувчилар қарзларни фоизлари билан қайтаришни талаб қила бошлашди. Қарзни қайтариш учун эса ҳеч нарса, умуман ҳеч нарса йўқ экан...

Айниқса, бош кредитор – Европа Иттифоқининг ядроси ҳисобланган Олмония (иқтисоди энг ривожланган мамлакат сифатида) оловга мой қуймоқда. Модомики, қарздорлар қарзларини уза олмаётган экан, уларга янада яқинроқ мослашув (интеграциялашув) таклиф қилинди. Аслида бу билан, қарз берувчи мамлакатлар қарздор мамлакатнинг ички ишларига аралашиб имкониятига эга бўлишади. Масалан, давлат бюджетини назорат қилишлари мумкин. Бундан ташқари, немислар юнонларнинг кескин ва режали ислоҳотлар ўтказишлари лозимлиги ҳақида тинмай гапириб келишмоқда. Албатта, доимий ислоҳотлар ва тартибга солиш каби ишлар ўта муҳим. Мисол тариқасида Олмония тажрибаси ибратлидир. Икки марта урушда мағлуб бўлганига, мамлакатнинг ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинганига қарамай, бу мамлакат Европада энг кучли иқтисодийётга эга бўла олди. Бугунги кунда Олмония ўзига қарз бўлган давлатларгагина эмас, бошқаларга ҳам шартларини қўйишга ҳақли, аммо бу нарса бошқа мамлакатларга ёқмаяпти.

Британияликлар Берлинга зарда қилиб, Скандинавия мамлакатлари билан ҳамкорлигини янада ривожлантирмоқда. Франция эса ғазабда. Эҳтимол, у навбатдаги инқилобни кутаётган бўлса керак, чунки тарихда улар барча муаммоларни фақат шундай йўл билан ҳал қилишга ўрганиб қолишган. АҚШ эса европаликларнинг муаммоларига юқоридан назар солмоқда, айни вақтда Вашингтоннинг кун тартибиди “Осиё ва Шимолий Африка мамлакатларида тартиб ўрнатиш” режаси турибди, аниқроғи, АҚШ ушбу минтақаларга ҳамда Эрон ва Хитойга ўз таъсирини кучайтирмоқчи.

Европадаги инқирознинг асл сабабларига қайтамыз. Катта иқтисодий таназулга хароб қилувчи банк кредитлари ҳисобига юқори даражали ҳаётни хошлаш, топишига яраша яшамаслик бош сабабчидир. Айнан шундай ҳолатларни эса Ислом иқтисодий қонунлари тўла тартибга солиб келган. Ислом дини қарзларга ўта жиддий муносабат билдиради. Агар очик айтадиган бўлсак, қарз фақат энг сўнгги чора сифатида олинади. Қарзларга турли хил кўринишларда фоиз қўйиш ҳам асло мумкин эмас. Қарз биринчи имконият билан қайтарилиши шарт.

Агар Юнонистон иқтисоди шу тамойиллар асосида ташкил қилинганида ҳеч қандай инқироз юз бермаган бўларди. Аҳоли даромадини юқорига кўтариш – албатта, сиёсий маънода яхши ҳаракатдир, бу орқали сайловчиларнинг қўллаб-қувватлаши ҳам таъминланади. Аммо ўша қарзларга (кредитларга) ҳаётий зарурият йўқ эди. Мамлакат ичкарисидидаги ижтимоий ҳолатни яхшилаш учун қарзга олинган пуллар бўлмаганида, Юнонистон бир неча йилларда иқтисодий салоҳияти ва имкониятларини бирмунча яхшилаб олган, яшаш даражаси ҳам кўтарилиб борган бўларди. Албатта, бу аста-секин амалга ошар, бугунги

сиёсий ва иқтисодий қийинчиликлар ҳам бўлмасди.

Юқоридида айтилганлар фақат юнонларгагина тегишли эмас. Европанинг кўп мамлакатлари ҳам қарзга ботиб қолган. Банкларга қарзларни қайтаришга эса маблағ – имкон йўқ, фақирона ҳаёт кечиришни эса ҳеч ким хохламайди. Натижа – ишсизлик, саноатдаги турғунлик, банкларга ишончининг йўқолиб кетиши билан хотима топади. Пулни қаердандир, ташқаридан топиш – деярли хомхаёлларча фикрдир. Бу мамлакатлар юз йил олдин ўз иқтисодларидаги камомадларни ёпиш учун ўзларига қарам бўлган мамлакатлардан ёки мустамлақадаги ўлкалардан керакли бойлик, маблағни сўраб ҳам ўтирмай, индамай суғуриб оларди, аммо бугун бундай найранглар энди ўтмайди. Албатта, вақти-вақти билан шунга ўхшаш ҳаракатлар бўлиб туради, аммо ривожланаётган мамлакатларнинг ҳукуматлари ҳолатни яхши англаб етганидан буларга муносиб жавоб беришга ҳаракат қилиб келади.

Ислом нуқтаи назаридан қарзларни қайтариш бошқа нарсалардан кўра биринчи даражали аҳамиятга эга ишдир. Қарз берувчи қарздорнинг қарзини кечиб юбориши мумкин (бунга ўхшаш “жасорат”ни европа банкларидан кутиб бўлмайди), қарзларни қайтариш муддатини узайтириши, ҳатто улардан воз кечиши ҳам мумкин (бу ҳам бугунги банк тизимлари учун реал нарса эмас). Бошқа йўл ҳам бор – қарздорнинг қарзини бошқа, имкони бор тараф ёпади. Умуман олганда, Европа иттифоқидида Исломнинг иқтисодий тамойилларидан фойдаланилганида ҳеч қандай муаммолар вужудга келмас эди. Ёки энг камида бундай муаммоларни зудлик билан ҳал қилса бўларди. Европа Исломни фақат террорчилик ва паранжилар билан “тасниф” қилиб, катта хатога йўл қўймоқда. Аҳвол агар шундай давом этаверса, келгусида фаровон, тўқ ҳаётни унутса ҳам бўлаверади. Европа, қолавенса бошқа минтақалардаги мамлакатларнинг боши қарздан чиқмай юраверади. Катта-катта буюк давлатлар эса ўзидан кичик ва заиф бўлган мамлакатларни турли хил баҳоналар билан талон-торож қилиш эвазига ўз иқтисодини “ўнглаб” олишади. (Масалан, улар нефт ва газ захираларига бой Ливия, Ироқ каби мамлакатларнинг табиий захираларини ўз назоратларига олгани каби...)

Европа гоҳида ўз ишларини тартибга солиш учун Шарққа фақат бойликларини мисқол-мисқолигача сўриб, ялаб олинган хомашё манбаи сифатида қарамай, балки унда буюк дин ва маданият меросхўрларини ҳам кўрса яхши бўларди. Дин ўз моҳиятига кўра фақат маълум бир маросимларни бажариш низоми эмас, балки у айни ҳаёт тарзи ҳамдир. Ўз нафсига эргашиш осон, аммо булар кўпинча нафақат иқтисодий, балки ижтимоий, сиёсий, маданий инқирозларга ҳам сабаб бўлиши мумкин...

Иқтисодийёт учун Ислом қонунлари каби фойдали қонунларни ҳали ҳеч ким ўйлаб топмаган. Балки энди Европа Иттифоқи ўзининг Ислом ва унга алоқадор бўлган барча нарсаларга салбий қарашларини бас қилар?! Ислом тамойиллари асосида қурилган иқтисод Евро ҳудудини аниқ инқироздан олиб чиқиши мумкин. Бошқа барча воситалар ва ҳаракатлар, кўриб турганимиздек, беҳуда ва самарасиз бўлмоқда.

**(Интернет материаллари асосида Абу Муслим тайёрлади)**

## Аҳмад МУҲАММАД

# ИЙМОН ҲАЛОВАТИ

### (Давомли асарнинг боши 4,5,6,7,8-сонларда)

Гапнинг рости, негандир устани жиним суймай қолди. Назаримда мен ҳам унга ёқмаётганга ўхшайман. Биринчи кунлари «уста ака»лаб нимани сўраса, дарров муҳайё қилиб турган эдим. Аммо уч кун ўтгач, ҳар бир гапидан энсам қотадиган бўлиб қолди. Номини ҳам ўзига сездирмай «уч така» деб ўзгартириб олдим. Кашфиётимдан ўзим ҳам қувониб кетдим.

Уста нега ёқмай қолди, дейсизми? Жа сурбет, елимқошиқ одам экан. Менинг нега намоз ўқимаслигим бу кишимни ташвишга солаётган эмиш. Мусулмон болалар балоғатга етиши билан намоз ўқиши керак эмиш. «Сенинг ишинг нима? Ўзинг ўқийвер-да, бошқаларга нега тирғиласан?» деб ғўдирладим ичимда.

Кеча тушда ота-бола билан одатдагидай бирга овқатландим. Дастурхонга фотиҳа ўқилгач, бўшаган идишларни йиғиштириб ошхонага ташлаб келдим. Рўх чойнакка янги чой дамлаб қўйдим. «Учтака» таҳорат ола бошлади. Мен «Граф Монте Кристо» китобини қўлтиқлаб осма ўриндиғимга қараб юрдим. Шу пайт «Учтака» қақриб қолди:

– Умиджон, келинг, сиз ҳам таҳорат олинг, намозни бирга ўқиймиз.

– Мен намоз ўқишни билмайман, илгари сира ўқимаганман ҳам, – дедим унинг бу таклифига ғашим келиб.

– Билмасангиз, ўргатиб қўяман, – деди у ҳам бўш келмай.

– Овора бўлмай қўяверинг, мен барибир ўқимайман.

– Нега? – деди «Учтака» ажабланиб.

– Нега бўларди? Уйимизда раҳматли бувимдан бошқа ҳеч ким ўқимас эди, дадам билан ойим ҳатто қандоқ ўқишни ҳам билишмайди. Иннайкейин, нега энди намоз ўқишим керак?

«Учтака» индамай қолди. Унинг аҳволини кўриб: «Қалай, нозик жойингдан тутдимми? Ўзи ҳам нега ўқиётганига ақли ет-маса керак?» деб ўйладим. У энги шимарилган билакларини оқ чит белбоғига ҳафсала билан артар экан, мен томонга қараб юрди. Унинг чеҳрасида мот бўлган одамнинг хижолатпазлиги эмас, бир нарсадан афсусланиш, ўкиниш аломатлари кўпроқ эди. У яқинимга келиб, кўзларимга синовчан тикилди. Кейин хотиржамлик билан сўради:

– Айтинг-чи Умиджон, инсон дунёга нима учун келади?

– Нега бўлар эди? Яшаш учун-да. Иннайкейин, бола-чақа дегандай, ҳаётни давом эттириш учун...

– Шу холосми? Унда инсон билан ҳайвонларнинг фарқи йўқ экан-да! Улар ҳам яшаш учун курашади, насл қолдиради...

– Ҳайвонларнинг ақли йўқ-ку, инсонда ақл, фикрлаш деган нарсалар бор, – деб «файласуф»нинг оғзига урдим.

– Ҳа, яшаворинг! Инсонга ақл-идрок бежизга ато этилмаган. Аллоҳ таоло Ўзига ибодат-итоат қилишлари учун инсонларни яратган. Ўзининг буюклигини, жамики мавжудотнинг ягона Яратувчиси эканини англашиш учун уларга ақл-онг, фаҳм-фаросат берган. Фақат буларнигина эмас, ер юзидаги жамики неҳматларни – уй-жой, кийим-кечак, анвойи таомлар, шириндан-шакар фарзандлар, қўйинг-чи, ҳамма зарур нарсани инсонларга бериб қўйибди. Шунча нарсанинг эвазига фақат намоз ўқишимизни, амрларини бажаришимизни буюряпти. Яна бунинг учун олий мукофот – жаннатдаги абадий ҳаётни ҳам ваҳда қиляпти.

«Учтака»нинг ҳаяжон ичра айтаётган бу ғалати гаплари мағзига унча тушунмаётган эдим. У ҳамма нарсани Худо берган деб ўқтиришга уринади. Менинг фаҳму фаросатим эса у айтаётган ҳамма нарса дадам билан ойимнинг елиб-югуришлари, уддабурроликлари ва чора-тадбирлари орқасидан келган, деб тушунар эди. Одамларнинг кўзига кўринмайдиган Худонинг бу уйлариимизни, машинаимизни, ҳар куни ейдиган овқатларимизни қандай қилиб бизникига «юборгани»га сира ақлим етмас эди.

Иннайкейин, Худо шунчалик қудратли, ҳамма нарсага қодир бўлса, одамлар шоша-пиша, чакалам-чатти ўқиган намозига муҳтожми, ибодатларнинг Унга нима кераги бор? Кейин У ер юзидаги шунча одам ичидан менинг намоз ўқиганим ёки ўқимаганимни қандай билиб, назорат қила олади? Дадам ва ойим ҳам, мен ҳам тилимизда «Худо бор», десак-да, ишончимиз бундан нарига ўтмас эди.

Масалан, менга келсак, юрагимнинг аллақайси бурчакларида «У бор бўлса, нега бизга кўринмайди, нега ўзининг мавжудлигини кўрсатмайди?» деган шубҳа-гумонлар ғимирлаб қолар эди. Мактабда ҳам, институтда ҳам муаллимларнинг замонга мослашиб, динга хайрихоҳликларини тил учидан айтишса-да, аслида ич-ичдан диндорларни ёқтирмасликларини, улар билан ўзлари орасида баланд девор қуриб олишганини гоҳ ошкор, гоҳ пинҳон изҳор этишлари ҳам дин ҳақидаги тасаввурларимни остин-устин қилиб ташлаган эди. Уста ўғли билан намозини ўқиб тугатди ҳамки, мен хаёлан у билан баҳслашиб-олишиб ётардим.

Аммо мияда кечаётган бу ўй-фикрларимни устага очиқ айтишга ботина олмайман. Чунки диндорлар эҳтиқодларига қарши қаратилган энг майда-чўйда эътироз ва озорларга ўта инжиқлик, қайсарлик ва зардапазлик билан жавоб қайтаришади, деб кўп эшитган эдим. Қолаверса, уста икковимиз ғоялар майдонининг икки қарама-қарши дарвозасида турган эдик. Шунинг учун «Учтака»нинг жиғига тегмаслик учун вазиятни сал юмшатмоқчи бўлдим:

– Менга қаранг Уста ака, намоз ўқишимнинг сизга нима қизиғи бор? Мана ўзингиз ва ўғлингиз ўқияпсизлар, шу етарли-ку! Худо ваҳда қилган мукофотни олаверасизлар. Бошқалар билан нима ишингиз бор?

– Эй соддагина укам, агар бир безори дадангизга ҳужум қилса ёки ҳақоратласа, бир ўғри онангизнинг тилла тақинчоқларини тортиб олса, сиз индамай томоша қилиб тураверасизми? Ёки уйлариингга ўт кетсаю қўшнилари ёрдамга келиш ўрнига уйда ўтираверса, тўғри иш бўладими? Мусулмонлар бир-бирига оға-ини, дўст-биродар. Бирининг бошига мусибат тушса, бошқаси хотиржам қараб туролмайди. Бири йўлдан адашса, иккинчиси унга йўл кўрсатади. Сиз ҳам менинг биродаримсиз, инимсиз. Йўлдан адашиб, катта мусибатга йўлиқиб турибсиз. Чунки сизни яратган, сизга яшаш неҳматини, соғлиқ-

омонлик неҳматини бериб қўйган улуғ Яратгувчини танишни, Унинг амр-фармонларини бажаришни истамаясиз. Бу энг оғир кулфат, чексиз фожиа! Сизни бу аҳволда ташлаб қўйишга, мусибатингизга томошабин бўлиб туришга иймоним ҳам, виждоним ҳам йўл қўймайди, – деди уста кўзларимга тик боқиб.

Устанинг гапини бўлмайд эшитдим. Аммо унга ҳамон таслим бўлгим келмасди:

– Гапларингизни тушундим, Уста ака. Лекин нима учун намоз ўқишим кераклигини тушунмайман. Ахир Ислон дини кишиларни яхши хулқли, ҳалол бўлишга, эзгу ишлар қилишга буюради-ку! Мана, мен ҳам ҳалол яшайман, бировнинг ҳақини емайман, ҳеч кимга ёмонлигим йўқ. Шунинг ўзи етарли эмасми? Намоз ўқишим шартми?

Уста нима дейишини билолмай бир пас хаёл суриб қолди. Баҳсда ундан устун келаётганимни англаб, «бопладимми», дегандай унинг ўйчан юзига истехзо билан тикилдим. Бироқ уста саволимга жавоб топа олмаганидан эмас, фикрини қандай қилиб тушунарлироқ ифодалаш учун тараддуланиб қолган экан. Одатига кўра шошилмай, дона-дона қилиб гапира бошлади:

– Тўғри, сиз айтаётган фазилатлар мусулмонга керак. Лекин буларнинг ўзи Аллоҳни рози қилишга етарли эмас. Инсон ҳар қанча яхши ахлоқли, одобли бўлмасин, беиймон ва тоатсиз экан, Аллоҳ ҳузурда савобга эриша олмайди, жаннатга кира олмайди. Инсоният учун қанчалик улуғ кашфиётлар қилманг, халқ бахти йўлида қанчалик буюк хизматларингиз бўлмасин, Аллоҳга иймон келтирмагунингизча, Парвардигор буйруқларини бажаришга киришмагунингизча жаннатни орзу қилмай қўяқолинг. Энди «нима учун намоз ўқишим керак», деган гапингизга келсак...

Уста қўлларини бир-бирига ишқаб лойини уқалаб туширар экан, худди мўйловини тишламоқчи бўлгандай лабини қимтиб, бир зум хаёлга берилди. Унинг ҳозир ниҳоятда қийналаётганини, менинг қайсарона эҳтирозларим, устанинг далилларига қарши пала-партиш бераётган даҳанаки зарбаларим қаршисида истиҳолага бораётганини, дилимга озор бериб қўймаслик учун ғазабини минг машаққат билан ичга ютаётганини ҳис қилиб турар эдим.

Бироқ бўш келишни, устага таслим бўлишни асло истамасдим ҳам. Ахир олий маҳлумотли, бунинг устига қонунни сув қилиб ичиб юборган мендай зиёли йигитнинг афтидан бошлангич мактабни аранг тугаллаган, умри лой-кесак ичида ўтаётган оддийгина устага мот бўлиши алам қиларли ҳам эди. Аммо бир томондан унинг дин, эҳтиқод, Худо ҳақидаги гапларини илк бор эшитаётганим учун қизиқтириб қолган, бу эса ўртадаги баҳсимизни шартта тўхтатиш истагини жиловлаб турар эди. Хоҳишимга зид ўлароқ унинг гапига қулоқ тутишга мажбур эдим:

– Нега намоз ўқишим керак, дейсиз... Атрофингизга бир қаранг, нималарни кўряпсиз? Мана, гуллаб, мева тугиб ётган дарахтлар... Теварақда сайраб ётган қушлар... Гул атрофида қарвона бўлиб учаётган асаларилар... Ана, қўйхонангларда боқилаётган бир жуфт қўй... Аллоҳ шунча нарсани нима учун яратган? Бу ҳақда ҳеч фикр қилиб кўрганмисиз? Ана шу яратилишнинг қандай ҳикмати борлиги ҳақида ўйлаб кўрганмисиз?

– Йўқ. Одамларга мева, асал, гўшт керак бўлгани учун яратгандир-да!


– Ҳа, кам бўлманг. Аллоҳ ер юзидаги жамики мавжудотни алоҳида бир хизмат, вазифа билан яратган. Дарахтлар ҳавони тозалайди, ширин-шакар меваларни беради. Асаларига одамларга асал беришга буюрилган. Қўйнинг гўштини ейсиз, юнгидан кийим киясиз. Қушлар ёқимли сайраб, завқ улашади, зарарли ҳашаротларга қирон келтиради. Хулласи, ҳамма нарсанинг бурчи, хизмати бор.

Худди шу каби инсонга ҳам алоҳида вазифа топширилган. У ҳам бўлса Аллоҳни таниш, Унинг амрларига, Пайғамбари кўрсатмаларига бўйсуншидир. Бу билан Парвардигорини рози қилиш, олий мукофотига сазовор бўлишдир. Шунча неҳматни бериб қўйган Аллоҳ бандаларидан биргина нарсани – итоат ва тоатни сўраб турсаю, биз ана шу озгина хизматни ҳам малол кўрсак, ибодатдан бўйин товлаб турсак, адолатдан бўлармикин? Бу бир ишхонага ишга кириб: «маошни тўлайверинглару аммо мен ишлашни хоҳламайман», деган телбанамо гапга ўхшаб қолмайдимиз? Ибодати бўлмаган одамнинг қўйхонангиздаги онгсиз, берганни еб ётаверадиган ҳайвондан нима фарқи бор? Намоз ўқимаган киши ошхона ва ҳожатхона орасида бориб-келаверадиган махлукқа айланиб қолмайдимиз? Кеча-кундуздаги йигирма тўрт соат вақтнинг атиги бир соатини Парвардигор учун сарфласак, бирор еримиз камайиб қолармикин?

Устанинг кетма-кет келтираётган исбот-далилларига қарши асосли жавоб топа олмай қолдим. Унинг далиллари кучли, ишончли эди. Лекин ичимда нимадир унинг гапларини рад этиб ташлаётган эди: «У айтаверди-да! Агар гаплари ҳақ бўлганида дунёдаги ҳамма одам намозхон бўлиб кетар эди. Атрофингга қара, қанча киши бенамоз. Нима, уларнинг бу гапларга ақли етмайди? Ёки оқ-қорани таниган, ҳаёти тўқис шунча одам ана шу чаласавод уста англаган нарсаларнинг мағзига тушуна олмасмиди?!»

Илгари намоз ўқиганлар, масжидга қатнаганлар кўзимга аллақандай ҳаётда омади чопмаган, қолюк, саводи ҳаминқадар, иложсизликдан намоз ўқиш билан ўзини овутаётган одамлар бўлиб кўринар эди. Камбағаллиги, орзуига эриша олмагани, бошқаларга ўхшаб яхши яшамаётгани учун намоздан тасалли топаётганга, бошқаларга ўхшашни сўраб илтижо қилиш учун масжидга чопаётганга ўхшарди. Ҳозир қўли ишдан бўшамаган ҳолда ярим соатлардан буён намознинг фойдаси ҳақида куйиб-пишиб гап ўқтираётган уста ҳам назаримда ўшаларнинг биттаси эди.

Устага ўхшаганларнинг яна бир «касали» бор эди: ўзлари жимгина намозларини ўқиб юравермай, «қани, масжидга бирга борайлик», «ибодат вақти бўлиб қолибди, ўқиб оламизми» деб бошқаларнинг ҳам тинчини бузишади, ғашига тегишади. «Учтака»мизнинг ҳам бугун ана шу касали хуруж қилиб, бир неча кундан буён ташвиқ қилаётганига қарамай намозга торта олмай, хуноби ошаётган эди. Аллақачон уни иккита нордон гап билан тузлаб дамани чиқармай кўяр эдим, бироқ ишни ташлаб кетиб қолса дадамнинг сўкишларини эшитиб қолмайин, деган андиша тилимни жиловлаб турар эди. Қани, кўраверайликчи, ким кимдан устун чиқаркин?!



Арабча “арафот” сўзи луғатда «билиш, таниш» маъноларини билдиради. Макканинг жануби-шарқий қисмидаги, ундан йигирма икки чақирим узокликдаги тоғ ва водий Арафот деб аталади. Арафот тоғи денгиз сатҳидан 750 метр баландликда, умумий саҳни 10,4 кв. км.ни ташкил этади. Ҳожилар зул-ҳижжанинг тўққизинчи куни шу ерда туриб ҳажнинг асосий арконларидан бирини адо этишади. Арафотда маълум муддат турмаган кишининг ҳаж ҳисобланмайди. Арафот шимолида Раҳмат тоғи бўлиб, унда Пайғамбар алайҳиссалом сўнгги ҳажларида машҳур вадъ (видолашув) хутбасини қилганлар. Арафотда дуолар ижобат бўлиши таъкидлангани учун унда Раҳмат тоғига юзланиб Аллоҳ таолога ёлбориш, тавба-тазаррулар қилиш, раҳмат-мағфират сўраш суннат амаллардандир. Бир ривоятга кўра Одам алайҳиссалом билан Ҳавво онамиз шу ерда бир-бирларини топишишгани учун Арафот деб номланади. Ёки Жаброил алайҳиссалом Иброҳим алайҳиссаломга ушбу маконда ҳаж амалларини ўргатганлари учундир. У зот: «Арофта?» («Ўрганиб бўлдингми?») деганларида, Иброҳим алайҳиссалом: «Ҳа», деганлар. Мана шундан кейин Арафот деб номланиб қолди, деб Ибн Аббос айтганлар.

Ушбу макон ҳарам ҳудудидан ташқаридаги маросим ўрнидир. Арафотда қуйидаги оят нозил бўлган: «Бугун Мен сизлар учун динингизни комил қилдим, Мен сизларга неъматимни тўқис қилиб бердим ва сизлар учун Исломни дин қилиб танладим» (Моида, 3). Арафа куни қуёш оққанидан то ҳайит кунининг тонгигача Арафотда туриш (вуқуф) вақтидир. Шу вақт ичида бирор сония бўлса ҳам Арафотда туриш фарздир. Яъни бу вақтда белгиланган Арафот чегараси ичида турмаган киши ҳаж қилган ҳисобланмайди. Айтилган вақтда Арафот чегараси ичида туриш ҳажнинг асосий рукнидир. Арафот чегараси ичидаги ҳамма ер («Батни Урана» деб аталувчи жой мустасно) бир хилдаги турар жой ҳисобланади. Арафотнинг бир жойи бошқасидан афзал ҳисобланмайди.

Қуёш ботганидан кейин Арафотда тўп отилади. Тўп отилиши “туриш вожиб бўлган вақт тугади, йўл очилди, Арафотдан қайтишга рухсат”, дегани бўлади. Арафотга кундузи етишолмаганлар кечанинг қайси вақтида бўлса ҳам тонг отгунича Арафотга етса бўлади. Арафотдан унинг чегарасини билмай ўтиб кетса ҳам, ҳаж ҳаж бўлади, Арафотда турган ҳисобланади. Туриш вақти ичида бирор сабаб билан Арафотга етишолмай қолган киши Арафотда турмаган ҳисобланиб, ҳажни кейинги йилга қолдиради. Арафотга чиқишда ва у ерда турганда доим тақбир, таҳлил, ҳамд ва талбия («лаббайка») айтилади. Арафот улуғ мақом бўлиб, у жойдаги дуолар қабулдир. Шунинг учун ҳожидан у ерда доимо дуода бўлишга интилиши лозим. У қалбни ҳозир қилиб, зикрда, қироатда ва илтижода чин дилдан тазарруда бўлиши керак.

## ҚУДДУС АМАКИНИНГ САБОҚЛАРИ САККИЗИНЧИ САВОҚ ИҲМОН НИМА ДЕГАНИ?



Assalomu alaykum, ko'rar ko'zlarning nuri bo'lgan dilbandlarim! Bugun men sizlarga Islom dinining beshta ustunidan birinchisi bo'lgan iymon haqida gapirib beraman. Iymon degani Alloh taoloning yakkayu yagonaligiga hamda Janobi Payg'ambarimiz Alloh taolo tarafidan nima keltirgan bo'lsalar, o'shanga til bilan iqror bo'lish va dil bilan tasdiqlashtir. S'hunga iymon keltirgan kishilar «mo'min» deyiladi va ular chin musulmonlardir.

Mo'min kishilar yeru osmondagi hamma narsalarning, hatto oy, quyosh, yulduzlarning, o'simlik va hayvonlarning hammasining xo'jayini, egasi bitta – yakkayu yagona Alloh taolo ekaniga ishonadilar. Ular Alloh taoloning farishtalariga, Payg'ambarlariga, kitoblariga, oxirat kuniga, o'lgandan keyin qayta tirilishga va qadarga ishonadilar.

Mo'min kishilar o'zlarining qayerdan kelganlarini, nega kelganlarini va qayoqqa ketishlarini tushunib oladilar. Dunyodagi hamma narsa faqat Allohning istagi-xohishi bilangina ro'y berishini, barcha odamlar Alloh taoloning oldida javobgar ekanini biladilar. Shuning uchun ular Alloh taolo buyurgan yaxshi, savobli ishlarni qilishadi. Ya'ni namoz o'qib, ro'za tutib ibodatda bo'lishadi. Halol mehnat qilishadi. Uylar qurishadi, ariqlar kavlab, yo'llar ochishadi. Farzandlarini yaxshi tarbiyalab, bilim berishadi. Bir-birlariga yordamlashishadi, yaxshi muomala qilishadi. Ana shular chin iymonli kishilardir. Ular jannatga kirishday katta mukofot olishadi.

Iymonsiz kishilar esa Allohdan emas, qandaydir vahimali voqealardan yoki odamlardan qo'rqishadi. Payg'ambar alayhissalomning aytganlarini bajarishmaydi. Odamlarni aldashadi. Yolg'on gapirishadi. Urush-janjal ko'tarishadi. Namoz o'qishdan or qilishadi. Islom diniga dushmanlik ko'rsatib, o'zlarini yaxshilikka chaqirganlarni xo'rlashadi. Bunday odamlar do'zax azoblari bilan jazolanishadi.

Iymonning eng asosiy shartlari – Alloh taoloni tanish va hamisha Unga bo'ysunish, Undan qo'rqishdir. Allohni tanish qanday bo'ladi? Hamma narsani Alloh yaratgan. U nimani xohlasa qila oladi, yo'qni bor, borni yo'q qiladi. U avvaldan bor bo'lgan va mangu bor bo'ladi. U yakka-yolg'iz. Uning sherigi ham, tengi ham, o'xshashi ham yo'q. U hech narsaga o'xshamaydi. U hamma narsani, hatto kechasi odamlar uylarining ichida namoz o'qiyotganini ham ko'rib turadi. U hamma narsani, hatto «Allohim, meni kechirgin!» deb ichingizda aytsangiz ham eshitadi. U hatto xayolingizda «Bugun onamga bir yaxshilik qilayin» deb o'ylasangiz ham bilib turadi. Uning amriga hech kim qarshi bo'la olmaydi. Har qanday qudratli, kuchli narsa ham Allohning kuch-qudratiga teng kelolmaydi. Shuning uchun hamma musulmonlar har kuni besh marta namoz o'qiyotganda bor ovoz bilan «Allohu akbar» («Alloh ulug'dir, buyukdir!») deb qaytarishadi. Ana shularni tushunib yetish bizning Allohni tanishimiz bo'ladi.

Allohga bo'ysunib, iymon keltirish qanday bo'ladi? Alloh buyurgan ishlarni qilish, «qilmanglar» deganini qilmaslik Allohga bo'ysunish bo'ladi. Har bir ishda, hamma joyda, hamma vaqt «Alloh ko'rib-bilib turgan-ku!» deb qo'rqish – Allohga bo'ysunish bo'ladi. Allohning avvalgi darslarda sanab o'tilgan barcha sifatlariga ishonish, Uning buyruqlarini bajarish, Undan hamisha qo'rqib turish Alloh taologa iymon keltirish bo'ladi.

Alloh taologa iymon keltirdingizmi? Endi Uni xursand qilish uchun ibodat qiling! Uni doimo eslab turing, «Subhanalloh» deb maqtovlar aytib turing. «Alhamdulillah» degan so'zni o'rganib olsangiz, Alloh taologa shukr aytgan bo'lasiz. Axir bizlarni yorug' dunyoga keltirib, nafas olsak havoni, chanqasak toza sut va suvlarni, qornimiz ochsa ming xil lazzatli ovqatlarni berib qo'yg'an, yalang'och yurmasin deb kiyimlargacha ta'minlagan bunaqa mehribon zotni maqtamay, unga shukr aytmay bo'ladimi?

Mana, iymon nima ekanini oz-moz tushunib oldingiz. Iymonii bo'lish uchun nimalar qilish kerakligini ham bildingiz. Kelasi mashg'ulotimizga «Subhanalloh», «Alhamdulillah», «Allohu akbar» degan so'zlarni yodlab kelasiz va ma'nosini tushuntirib berasiz. Kelishdikmi?


## «ИСЛОМ. УЗ» ПОРТАЛИ ЯНГИЛИКЛАРИ АЁЛ-ҚИЗЛАР УЧУН ЯНГИ ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ



“Ислом. уз” порталининг “Муслимаат.уз” сайти июн ойида ўз ўқувчиларига ажойиб тўхфа ҳадя этди. Сайт таркибида “Омина” электрон журнаlining биринчи сони мухлисларга тақдим этилди. Муслима аёллар сайтида аёл-қизлар журнаlining дунё юзини кўриши бежизга эмас. Журнал бош мақоласида айтилганидай, “Ислом динигина аёлнинг даражасини кўтарди, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя этди, унга саодат эшикларини, нажот манзилларини кўрсатиб берди. Бугунги кунда муслималар дунёдаги барча ҳамжинслари ичида энг саодатлиси, энг бахтиёри, энг арзандаси ва ҳурматга сазоворидир”.

Журнал материаллари жуда ранг-баранг: “Эй Набийнинг аёллари” сарлавҳаси остида Қуръон ояти шарҳи, бир ҳадис талқини, доктор Аҳмад Курдийнинг “Зийнат нима?” мақоласи, шунингдек, “Аёлларга хос масалалар”, “Хотиннинг эрдаги ҳақлари”, “Болаларни ёлғонга ўргатманг”, “Вазирнинг Исломга кириши”, “Хадичаи Кубро”, “Қизларим, она қизларим” каби қизиқарли мақолалар, аёллар либоси, пазандачилик, узоқ яшаш сирлари, пардоз-андозга оид турли маълумот ва хабарлар ўрин олган. Журнал таҳрир ҳайъати ва барча мухлисларини янги нашр билан қизғин қутлаймиз ва ижодий ишларида улкан зафарлар тилаймиз!

## САЙТ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ



2 июн куни “Ислом. уз” порталига қарашли рус тилидаги “Ислам. уз” сайтнинг ғоявий мазмуни, шаклий безатилиши ва техникавий имкониятлари кенг муҳокама қилинди. Унда портал таркибига кирувчи сайтларнинг мутасаддиларидан Абдулазим Зиёуддин, Ҳусанхон Яҳё Абдулмажид, Хайруллоҳ Ҳабибуллоҳ, Аҳмад Муҳаммад, Абу Муслим ва бошқалар сайтнинг ютуқ ва камчиликлари, унинг мазмунини бойитиш, материаллар савиясини ошириш, сайтни янада жозибадор қилиш йўллари, бу борадаги имкониятлар ҳақида батафсил гапиришди. Муҳокама якунида сўзга чиққан шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ҳазратлари бундай муҳокамаларни мунтазам йўлга қўйиш зарурлиги, сайтларнинг мазмун ва мундарижасини янада бойитиш ҳақида тўхталиб ўтдилар.